

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Алишер Навоий номдаги
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих факультети
Тарихшунослик ва манбашунослик кафедраси

5A120304 – магистратура таълим йўналиши бўйича

«Тарихий тадқиқот методлари
ва методологияси» фанидан

Маърузалар матни

Тузувчи т.ф.н., доц. И. Н. Илалов

Самарқанд 2013 й.

Муқаддима

Ўзбекистон Республикаси энг қадимги диний маданий ва илмий марказлардан бири ҳисобланади ва шу сабабли ўзбек халқи бой тарихга эгадир. Ўзбекистон, Маворауннаҳр Осиё билан Европани бирлаштириб турган кўприк вазифасини ўтаган. Икки дарё оролиғи орқали олиб борилган Осиё-Европа иқтисодий ва маданий алоқалари Ўрта Осиё, умуман жаҳон халқлари тараққиётида катта рол ўйнаган. Бугунчи кунда Европа ва Осиё халқларига хизмат қилган Буюк ипак йўли тарихни чуқур ўрганишга фуқароларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат чиликни қўлга киритганлиги жухуриятимизнинг бугунги кунинигина эмас, балки истиқболини ҳам белгилаб берувчи асосий омилдир.

Мустақиллик йўли тарихий анъаларни ва манавий бойликларни қайта тикловчи, янги билимлар билан бойитувчи йўлдир. Бу эса тарих ўқитишни даллиллар асосида янада бойитишга, ўзбек инсонпарварлик, озодлик ва мустақиллик, маърифат-парварлик каби анъаналари, инсоф, меҳр-оқибат, орномус, ватанга ҳурмат, меҳмондўстлик, Ватан тарихини чуқур ўрганишни ва ёшлар қалбига сингдиришни, шу асосда уларнинг сиёсий онгини ўстириш вазифалари маърузачининг асосий вазифаларидан биридир.

Чуқур таҳлил, мантиққа асосланмаган бирёқлама фикр одамларни, энг аввало тарих муаллимларни чалғитади. Улар эшитганларини ҳақиқат шу экан, деб ўқувчиларга ҳам етказишади. Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин.¹

Президент И.А. Каримов ўзининг 1997 йил 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессияда сўзлаган нутқида алоҳида қайд этиб ўтганларидек дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафқурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак.

Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат эканлиги кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.¹

Президент Каримов И.А. Алоҳида қайд этиб ўтганларидек, бугунги кунчага юқори ўқув юртлари гумманитар факултетлар учун «Тарихий тадқиқот усуллари методик жиҳатдан теран, давр талаби даражасида яратилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян.

Тарихий тадқиқот методлари ва методологияси фанидан ўқув режасига асосланган илмий-ҳисобга олган ва услубий-дедечақтик талабалар асосида танланган тарихий материаллар маъруза ўқув йили давомида синовдан ўтказилади.

Тажриба давомида дастурдаги мавзулар, уларга киритилган ўқув материаллари, уларнинг ҳажми ва мазмуни илмий методик ва дидактик томонидан таҳлил этилиб, сўнг зарурият бўлса айрим корректуралар киритилади. Шундан сўнг илмий-педагогик, кўрилган чегараланган нусхадан

¹ Барқамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997, 8-9 бетлар.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998, 5-6 бетлар.

экспериментал дарслик яратилади ва у ҳам тажрибада синаб кўрилгандан кейин, тўпланган фикр-мулоҳазалар асосида давр талаби даражасида ишлаб чиқилади ва аммавий нашр этилади.

«Тарихий тадқиқот методлари ва методологияси» фани ва унинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатчилик асосларини аниқлаш ва тадқиқ этиш; Ўзбекистон тарихига оид археологик ва барча турдаги ёзма ва моддий манбалар тадқиқотлари натижаларини жамлаш, ҳар тамонлама илмий-услубий таҳлил қилиш ва мувофиқлаштиришдан иборатдир.

«Тарихий тадқиқот методлари ва методологияси» фани ва унинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатчилик асосларини аниқлаш ва тадқиқ этиш: Ўзбекистон тарихига оид археологик ва барча турдаги ёзма ва моддий манбалар тадқиқотлари натижаларини жамлаш, ҳар тамонлама илмий-услубий таҳлил қилиш ва мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларидаги методологик кўрсатмалар ва улардан фойдаланиш услубияти. И.А. Каримовнинг 26 июл 1998 йил «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтини такомиллаштириш тўғрисидаги» нутқи ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори тўғрисида ва илмий-тадқиқот ишларида ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда дастурлар жорий этиш методикаси. Тарихий тадқиқот ишларида бирламчи тарихий манбалардан фойдаланиш усуллари. Илмий-тадқиқот ишларини замонавий талабалар даражасига кўтариш. Ватанимизнинг бой ва совет давридаги ранг баранг тарихини тиклаш усуллари.

Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги ҳаққоний тарихини ўрганиш, мамлакатимиз ва чет элларда мавжуд тарихий манбалар таҳлили асосида олинган илмий натижалардан фойдаланиш усуллари ва уларга таянган ҳолда илмий рефератлар ва маърузалар ёзиш. Тарихий тадқиқот ишларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаган халқларнинг тарихий ҳужжатларига (манбаларга) таяниб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётни ўрганиш ва олинган маълумотларни магистрлик диссертациясида фойдаланиш методикаси.

Ўзбек халқи давлатчилик тарихи салқам уч минг йилдан буён умум жаҳон тарихи ҳамда инсоният жамияти тараққиётининг ажралмас қисми бўлганлиги тўғрисида. Давлатчилик тарихида ишончли манбалар ва тарихшунослик фани кўрсатмалари, моддий ёдгорликлар ва ёзма ёдгорликларга таянган ҳолда илмий даражада асослаштирилганлиги тўғрисида ва мил. авв. IX-VIII ва VII-VI асрларда илк давлатчилигимиз тараққиёти жараёнини чуқур ва изчил тадқиқ этиш методикаси ва методологияси.

Илмий тадқиқот мавзусини танлаш, долзарблигини аниқлаш, режа тузиш мавзуга тегишли адабиётларни ва манбалари излаш уларни таҳлил қилиш, объектив равишда талқинлаш методикаси. Тарихий тадқиқот ишларида музей, архив матбуот материалларидан фойдаланиш усули. Тадқиқот ишларида илмий монография, статистика справочник маълумотларидан фойдаланиш усули. Илмий тадқиқотларда манбаларни

ички ва ташқи танқиддан ўтказиш ва даврларга ажратиш усули. Илмий кутубхоналардан, музей кутубхоналарида сақланиб қолган қадимги даврга давр манбалардан фойдаланиш ва манбаларни аниқлаш пайтида бир бири билан солиштириб кўриш усуллари. Тарихий тадқиқот ишларида ёрдамчи фанлардан фойдаланиш ва улардан объектив равишда фойдаланиш усуллари. Тарихий тадқиқотларнинг илмий фойдаланган манбаларни ва адабиётларни техник жиҳатдан тўғри тайёрлаш усули.

1 Мавзу: Академик В.В. Бартольд ва атоқли шарқшунос олим А.К. Арендснинг илмий изланишлари.

Режа:

1. Академик В.В. Бартольд олиб бўлган илмий изланишлар.
2. Туркистонлик хаваскор археологлар тўғарагининг ташкил топилиши.
3. Профессор А.К. Арендснинг орган майдонидаги илмий-тадқиқот ишлари.
4. Тошкент шаҳрида Шарқшунослик институтининг ташкил топилиши.

Таянч иборалар: Ўрта Осиё, тарих, қадимги қўлёзмалар, илмий, тадқиқот, ишлари, илмий тўғараклар.

Олис асрлар садоси академик В. В. Бартольд Тошкентда

Академик Василий Владимирович Бартольд (1869—1930) Туркистоннинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид «Мўғуллар истилоси даврида Туркистон» (1900), «Орол денгизи ва Амударёнинг қуйи оқимидаги ерларнинг қадим замонлардан то XVII асргача бўлган аҳволи ҳақида маълумотлар» (1902), «Туркистонни суғориш тарихидан» (1914), «Улуғбек ва унинг даври» (1918), «Ўрта Осиёда қадимдан то руслар келганига қадар ўтган даврда пахтачилик» (1924), «Туркистоннинг маданий ҳаёти» (1927) каби ўнлаб зўр илмий ва амалий қимматга эга булган асарлар ёзиб қолдирган улкан шарқшунос олимдир. Шунини айтиш кифояки, олим чоп эттирган 685 асарнинг қарийб ярми, аниқ қилиб айтидиган бўлсак 320 нафари, Туркистоннинг тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти таҳлилига бағишланган. Бундан ташқари, В. В. Бартольд республикамизда, хусусан унинг пойтахти Тошкентда илмий, илмий-педагогик ва ўлкашунослик муассасаларини таъсис этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

В. В. Бартольд ҳаёти ва илмий фаолиятининг катта бир даври Туркистон, хусусан Ўзбекистон ва Тошкент билан боғлиқ. У фақат 1893—1928 йиллар орасида Тошкентга етти марта келиб кетди ва унинг ҳар бир сафари катта, кўп ҳолларда ечимини кутиб ётган илмий ва илмий-ташкилий масалалар билан боғлиқ эди.

Олим Тошкентда дастлаб 1893—1894 йилларда, яъни ўзининг Туркистонга қилган биринчи илмий сафари вақтида бўлди. В. В. Бартольд ўлкага ўшанда Россия Фанлар академияси ва Санкт-Петербург университети шарқ тиллари факультетининг йўлланмаси билан келган эди. Ушбу сафардан кузатилган мақсад, олимнинг ўз сўзлари билан айтидиган бўлсак «Ўлканинг ўтмиш тарихига оид мавжуд ёзма ахборотларга қўшимча тарзда ўша ерларда қадимда истиқомат қилган одамларнинг қолдиқлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва имкони борича қадимий шаҳарлар ва қалъаларнинг қолдиқларини тавсиф этиш»дан иборат бўлган. Бошқа сўз билан айтганда, қадим замонларда туркий халқларнинг Урхун-Енисей

бўйлари ва Олтойдан Чу ва Ила водийлари орқали Ўрта Осиё билан боғланганликларини текширишга алоқадор эди.

Ўшанда В. В. Бартольд ва унинг ҳамроҳи этнограф С.М. Дудин (1863—1929) Тошкентга ўша йил (1893) нинг ёзида етиб келдилар ва бу ерда бир неча кун дам олганларидан кейин, Авлиё Отага (ҳозирги Жамбулга) жўнаб кетдилар. Улар ўша йили Сайрам, Чимкент, Авлиё Ота ва уларнинг теvarак-атрофидаги диққатга сазовор жойларни, шунингдек, Талос водийсини кўздан кечириб улгурдилар, холос. Йўлда юз берган бахтсиз ҳодиса (Василий Владимирович отдан йиқилиб оёғини синдириб олди ва бунинг оқибатида бир умрга оқсоқ бўлиб қолди) натижасида илмий экспедиция ўз ишини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлди. Жароҳатланган Бартольд дастлаб Авлиё Отага, у ердан Тошкентга олиб келди ва ҳарбий госпиталга ётқизилди. Шундай бўлса-да, касал бўлишига қарамай, олим бу ерда ўлкашунослик ишларининг умумий аҳволи билан қизиқди ва унинг умумий аҳволи билан танишишга муваффақ бўлди.

Тўғри, Бартольд келаси йили, яъни 1894 йили экспедиция ишларини давом эттирди ва Талос ҳамда Чу водийлари, Норин дарёси ва Иссыккўлнинг теvarак-атрофидаги осори атиқаларни бориб кўрди. Унинг 1893—1894 йилларда, хусусан Тошкентда олиб борган илмий ва илмий-ташкилий ишлари алоҳида ўрин тутди. В. В. Бартольд Туркистонда биринчи илмий-ўлкашунослик тўғараги — «Туркистонлик ҳаваскор археологларнинг тўғараги»ни таъсис этишда фаол иштирок этди. Бу илмий тўғарак 1895 йилнинг 11 декабридан ўз фаолиятини бошлаб, 1917 йилга қадар ишлаб турди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, В. В. Бартольд бу ва бошқа тўғаракларнинг ишига, умуман илмий ишга маҳаллий кадрларни жалб этиш, уларнинг билим ва тажрибаларидан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор берди. Масалан, «Табиат, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамияти Туркистон бўлими»нинг 1893 йил 11 декабр куни бўлиб ўтган йиғилишида Бартольд Туркистонда археологик тадқиқотларнинг умумий аҳволи ва фан олдида турган вазифалар ҳақида қилган маърузасида ўлкада илм-фанни ривожлантириш учун Тошкентда янги илмий жамият тузиш, унга маҳаллий билимдонларни ҳам жалб қилиш ўта зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. «Ўлка тарихини ўрганиш,— деб яқунлади у маърузасини,— олдинда турибди ва бу ишда асосий ролни маҳаллий билимдонлар ўйнайдилар. Ўйлайманки, бу ерда ўтирганлар менинг бу фикримга қўшиладилар».

1893 —1894- йилларда В.В. Бартольд «Туркестанские ведомости» ва «Окраина» газеталари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилди. Аниғини айтганда, у ўша «Окраина» газетасининг муҳаррирларидан бири эди. Олим мазкур газета саҳифаларида ўзининг бир қатор муҳим илмий мақолаларини. эълон қилди. «Тошкентда илмий жамият» («Окраина», 1894, 16-сон), «Туркистонда археологик тадқиқотлар масаласига доир» («Туркестанские ведомости», 1893, 99-сон), «Христианлар қишлоғи Вазгерд хусусида» (Туркестанские ведомости», 1894, 21-сон), «Туркистонда илм-фаннинг умумий аҳволи» («Окраина», 1894, 52-сон) шулар жумласидандир. Кўриб турибсизки, В. В. Бартольднинг ҳатто газеталарда кенг ўқувчилар оммаси учун ёзган мақолалари ҳам илм-фан муаммоларига бағишланган экан.

1902 йилда В. В. Бартольд яна, Тошкентга келди. Ўзининг сўзларига қараганда, бу сафар у Санкт-Петербург университети шарқ тиллари факультетининг топшириғига биноан келган. Факультет раҳбарияти олимнинг олдида «махаллий билимдон одамлар билан илмий алоқа боғлаш, бу алоқаларни, кенгайтириш, Туркистон ўлкасида жамоат муассасалари ҳамда шахсий одамлар қўлида бўлган қўлёзма асарлар, шунингдек, вилоят бошқармаларида сақланиб турган вақфномалар билан танишиш» вазифасини қўйган. Бундан ташқари, В. В. Бартольд Туркистонда Осиё музейи (ҳозир Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими)нинг ўша йиллардаги директори академик К. Г. Залеман (1394—1916) нинг илтимосига кўра музей кутубхонаси учун қўлёзма асарлар сотиб олиш билан ҳам машғул бўлди.

В. В. Бартольд 1902 йилдаги сафари, вақтида, Тошкентдан ташқари, Ашхобод, Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Андижон ва Ўшда ҳам бўлиб, бу шаҳарларда сақланаётган ва илм-фанинг бир талай соҳалари (тарих, жуғрофия, адабиёт, илоҳиёт, тасаввуф, фалакиёт ва ҳ.к.)га оид кўпгина қўлёзма асарларни диққат-эътибор билан кўздан кечирди. Масалан. Тошкентда у бир қанча жамоат муассасалари ва шахсий одамларга тегишли кутубхоналар билан танишиш шарафига муваффақ бўлди. Туркистон халқ кутубхонаси (1870 йилда таъсис этилган, ҳозирги Алишер Навоий номидаги Халқ кутубхонаси)да тўпланган махсус қўлёзма асарлар коллекцияси билан яқиндан танишди. Ўша пайтда бу коллекция 281 жилдан иборат эди, холос. Бартольд ўзининг илмий ҳисоботида шу асарлардан иккитасига: Ғиёсиддин Алининг жаҳонгир Амир Темурнинг 1398—1399 йилларда Ҳиндистонга уюштирган босқинчилик юриши тарихини ўз ичига олган «Рўзнома-йи ғазавот-и Ҳиндистон» (1399—1403 йиллари орасида ёзилган). Ҳамда хоразмлик муаррих Ўтамиш хожи қаламига мансуб бўлган «Чингизнома» асари (XVI аср бошида битилган) га алоҳида тўхталиб ўтган.

Олим ўша йили Тошкентлик бир неча китобсеварлар: генерал Жўрабек (1840—1906), Муҳиддин қози, Саид Боқихон қози, тужжор Мирза Абдулла Исамуҳаммедов, шунингдек ўша пайтда Пискентда истиқомат қилиб турган қошғарлик Бекқулибекнинг шахсий кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма асарларни ҳам бориб кўрди. В.В. Бартольд танишган кутубхоналар орасида айниқса генерал Жўрабек Қаландарбек ўғлининг (у 1876 йилда Санкт-Петербургда бўлган шарқшуносларнинг халқаро конгрессида иштирок этган) шахсий кутубхонаси бойлиги билан бошқаларидан тамоман ажралиб турарди. Генерал Жўрабекнинг кутубхонасида Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» («Солномалар мажмуаси»), Шамсуддин Муҳаммад Шаҳридузийнинг «Тарих-и ҳукамо» («Донишмандларнинг таржимаи ҳоли») китоби, XVII асрда ўтган Ўрта Осиёлик қомусий олим Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» («Сирлар денгизи») каби ўта қимматли асарлар бор эди. Шунинг учун ҳам генерал Жўрабекнинг коллекцияси Тошкентдан қайтганидан кейин ҳам академик Бартольднинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Маълумки, генерал Жўрабек 1906 йилда ўзининг Қорасув ёнидаги (Тошкентнинг жанубий-шарқий тарафида жойлашган хушхаво манзил) дала ҳовлисида номаълум шахслар тарафидан ўлдириб кетилди. В. В. Бартольд бу қонли фожиадан хабар топиши ҳамоно, машҳур шарқшунос ва ўлкашунос

олим Н. Ф. Петровский (1837—1908) ва Туркистон генерал-губернаторлиги Бош бошқармасида хизмат қилиб турган яна бир шарқшунос олим А. А. Семёнов (1873—1958)ларга хат ёзиб, генерал Жўрабек кутубхонасининг тақдири ҳақида ҳавотирланаётганлигини маълум қилди. «А. А. Семёнов,— деб ёзади В. В. Бартольд 1911 йилнинг сентябрида ёзган бир мактубида,— (Жўрабекнинг) кўлёмалари унинг Қорасув бўйидаги ҳовлисида Тошкентга олиб келинганлиги ва махсус китоб жавонида сақланаётганлигини лутфан маълум қилди. Лекин, афсуски, Тошкентга Жўрабекка тегишли китобларининг фақат бир қисми (33 та асар) олиб келинган, холос. Китобларнинг қолган қисми эса марҳумнинг ўлимида кўп вақт ўтмай ўғирлаб кетилган эди.

В. В. Бартольд бу сафар ҳам Туркистоннинг бошқа шаҳарларида бўлиб, ўша жойларда меҳнат қилаётган ўлкашунослар ва мавжуд илмий тўғарақларнинг иш фаолияти билан қизиқди, уларнинг йиғилишларида иштирок этди.

У «Туркистонлик ҳаваскор археологлар тўғараги»нинг 1902 йил 16 августда бўлиб ўтган йиғилишида ўзининг мазкур йилда Туркистонга қилган сафари ва унинг натижалари ҳақида ахборот берди. Олимнинг ушбу ахбороти «Туркестанские ведомости» газетасининг 1902 йилги 66-сонида чоп этилган. Ўша йилининг Туркистон халқ кутубхонасининг ишини, айниқса кўлёмалар фондининг аҳволини яхшилаш масалаларига бағишланган «Туркистон халқ кутубхонаси ҳақида бир-икки оғиз сўз» («Туркестанские ведомости», 1902, 54-сон) деган мақоласи ҳам босилиб чиқди. Бундан ташқари, В. В. Бартольд ўша йили яна бир неча илмий мақолалар: «Уйғур тилидаги бир ҳужжат ҳақида» («Протоколы Туркестанского кружка любителей архелогии», 1902, 7-сон, 34—36 бетлар), «Ҳаким Отанинг ватани масалаларига доир» («Туркестанские ведомости», 1902, 17-сон), «Ўш» («Русский Туркестан», 1902, 189-сон) билан ҳам катнашди.

Туркистон халқ кутубхонаси, унинг қошидаги музейнинг умумий аҳволи, уни яхшилаш чоралари В. В. Бартольднинг 1916 йил ёзида қилган Туркистон сафарининг ҳам диққат марказида бўлди. Ўшанда олим ўзининг якуний ҳисоботида: «Туркистон халқ кутубхонаси ва музейнинг аҳволи ниҳоятда аянчли... Уни қайтадан ташкил этиш жуда зарур», деб ёзган эди. В. В. Бартольд ўша йили Тошкентда эълон қилган яна бир мақоласида Туркистон халқ кутубхонаси ва музей ишларини тартибга келтиришнинг аниқ чора-тадбирларини кўрсатиб берди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, узок ўтмишдан қолган ёдгорликларни тўплаш, авайлаб сақлаш ва кунт билан ўрганиш масаласи ҳам олимнинг ҳамма вақт диққат марказида турар эди. У ўша 1916 йилда «Туркистонлик ҳаваскор археологлар тўғараги» ҳамда «Рус жўғрофия жамиятининг Туркистон бўлими» кенгашларида қилган маърузаларида Туркистондаги узок ўтмишдан қолган ёдгорликларни ҳисобга олиш ва уларни авайлаб асраш жуда ҳам зарур эканлигини қайта-қайта таъкидлади.

1916 йили олим Тошкентдан бошқа Қўқон, Самарқанд, Бухоро ва Чоржуй шаҳарларида ҳам бўлди ва қадимий маданият ёдгорликлари, шунингдек шахсий коллекционерлар билан ҳам яқиндан танишди. Чунки

Туркистон тарихига оид қадимий қўлёзма асарларни аниқлаш ва ўрганиш олимнинг ҳар бир сафардан кузатган асосий мақсади эди. Масалан, Тошкентда бўлган кезлари А. А. Семёнов, Боқижонбой ва бошқаларнинг шахсий кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма асарларни бирма-бир кўриб чиқди. Ўшанда В. В. Бартольд Боқижонбойнинг кутубхонасида сақланаётган Шарқий Туркистоннинг XV—XVI асрлардаги ижтимоий-сиёсий тарихидан ҳикоя қилувчи Шоҳ Маҳмуд Чурос қаламига мансуб бўлган «Тарих» номли қимматли асарга алоҳида эътибор берди.

В. В. Бартольд Октябр «инқилоби»дан кейин ҳам Туркистонга келиб кетди. Олим жуда қисқа вақт ичида, яъни 1920 — 1928 йиллар орасида Тошкентда уч марта бўлди.

Олимнинг 1920 йил август-декабрь ойларидаги Туркистон сафари (Россия Фанлар академиясининг йўлланмаси билан) олдинга қўйилган вазифаларнинг мураккаблиги ва долзарблиги билан унинг бошқа сафарлари ичида алоҳида ўрин тутади. Василий Владимирович бу сафар ҳам Туркистон халқ кутубхонасининг иши билан бевосита танишиб, унинг фаолиятини янада яхшилашга ёрдам бериши, жамоат ташкилотлари ҳамда айрим шахслар қўлида сақланаётган қўлёзма асарлар, шунингдек тарихий обидаларни кўздан кечириб чиқиши, уларни сақлаш хусусида олимлар ва кутубхона ходимларига тавсиялар бериши керак эди. Олим бу ишларни ҳам ўзига хос кунт ва эътибор билан амалга оширди. Бундан ташқари, у 1920 йили Тошкентда таъсис етилган Туркистон университетининг илмий ташкилий ишларига ҳам қатнашди. Университет ҳузурида Шарқ тарихи кафедрасини ташкил қилиш ва уни малакали кадрлар билан таъминлаш ишининг тепасида турди, тарих-филология факултетида Туркистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихидан (милоддан аввалги IV асрдан то милоднинг XIX асригача бўлган тарихи бўйича) дарс берди, аспирант ва талабаларнинг илмий мунозараларида иштирок этди.

Таъбир жоиз бўлса шуни алоҳида таъкид этиб ўтиш керакки, академик В. В. Бартольд Туркистонда университет ташкил қилиш ишига ҳамма вақт зўр эътибор бериб келган илғор фикрли рус олимлари жумласидан эди. Масалан, 1917 йилнинг кузида Тошкентда университет очиш масаласи ўртага қўйилганда Санкт-Петербург олимлари бу олижаноб ташаббусни жон-дили билан қўллаб қувватладилар. Ушанда бу катта ишга яқиндан ёрдам бериш учун махсус комиссия ҳам таъсис қилдилар. Бу комиссия Санкт - Петербург университетининг профессорлари, йирик шарқшунос олимлар Н.И. Веселовский, С. Ф. Ольденбург, Н. Я. Марр ҳамда В. В. Бартольд қўшилдилар. Мазкур комиссия Туркистон университетининг лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Хусусан, академик Бартольд мазкур университет тарих-филология факультетининг лойиҳасининг ҳозирлади, факултетда ўқитилиши лозим бўлган фанларни аниқлаб берди.

Ўша йили, яъни 1920 йили В. В. Бартольд Туркистон Шарқ институтида (1918 йил охирида таъсис этилган) ислом маданияти тарихидан дарс ўқиди, мазкур институтнинг илмий-педагогик ишлари билан қизикди, институт раҳбариятига ўқув-тарбия ишларини яхшилаш хусусида фойдали маслаҳатлар берди.

Мазкур сафар чоғида академик В. В. Бартолд яна бир муҳим илмий экспедицияда - Бухоро амирлиги М. В. Фрунзе бошчилигида Русиянинг «қизил» қўшини тарафидан ағдарилгандан кўп вақт ўтмай, 1920 йил сентябр ойининг охирида Туркистон Марказий архив бошқармаси тарафидан ташкил этилган экспедицияда ҳам иштирок этди. Ушбу экспедиция олдига Бухородаги тарихий обидалар, шунингдек, қувғин остига олинган амир Олимхон (1910—1920) ва йирик мансаб эгалари (масалан, кушбеги) дан қолган қўлёзма асарлар ва архивни ҳисобга олиш ва сақлаш ишларини ташкил қилиш вазифаси қўйилган эди. Ана шунда, олимнинг сўзларига қараганда, 380 нафар қимматли қўлёзма талон-торождан асраб қолинди.

Академик В. В. Бартолд кексайиб қолганлиги ва саломатлиги яхши эмаслигига қарамай, ҳамиша ва ҳамма вақт Туркистон ва Тошкентга интиларди. Лекин айрим сабабларга кўра, 1925 йилга қадар бунга имкони бўлмади. Ниҳоят, 1925 йилнинг март ойида қадимий ёдгорликлар, санъат ва табиатни ўрганиш Ўрта Осиё қўмитаси (Средазкомстарис) нинг таклифи билан олим яна Туркистонга отланди. «Агар шу йили ҳам Тошкентга бора олмайдиган бўлсам, — деб ёзган эди ўшанда у, бу менинг учун афсусу надомат бўлур эди». В. В. Бартолд қадимдан қолган обидаларнинг сақланиши ва бунинг борасида Бухоро, Самарқанд ва Шахрисабзда олиб борилаётган ишларнинг кўлами билан яқиндан танишди, юқорида тилга олинган қўмитанинг мажлисларида иштирок этди. Шунинг билан бирга, олим бўш пайтларида, Тошкентда ҳам, бошқа шаҳарларда бўлганида ҳам, жамоат ва шахсий одамларнинг кутубхоналарида бўлган қўлёзма асарлар билан танишишда давом этди, янги топилган тарихий асарлар ҳақида ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

В. В. Бартолд ўзининг Туркистонга қилган сўнгги сафари (1927—1928 йил) вақтида Туркистон университетида, Қозок, Олий педагогика институтида ва бошқа илмий-текшириш муассасаларида Туркистоннинг муғуллар истилосидан то XIX асргача бўлган тарихи, Ўрта Осиёнинг туркий халқлари, уларнинг келиб чиқиши ва тарихи ҳақида маъруза ўқиди. Қадимий ёдгорликлар, санъат ва табиатни ўрганиш Ўрта Осиё қўмитаси ва ўлкашунослик жамиятларининг ишлари билан танишди.

Олим ёшлигидан касалманд (унинг буйраги хаста эди) бўлган. Шунга қарамай, у илм-фан жабҳасида баракали меҳнат қилди ва ўзидан улкан илмий мерос қолдирди. Унинг асарлари, хоҳ ҳажм жиҳатдан катта бўлмасин, хоҳ кичик, ўзининг бой фактик материалга асосланганлиги, илмий жиҳатдан пухталиги ва юксак илмий савияси билан ажралиб туради. Лекин, шунга қарамай, манманлик каби ёмон хислатлар унга ёт эди. У ҳамма вақт ўзини камтарона тутарди, тез ва шошилиб меҳнат қиларди. Буни биз олимнинг 1891 йил куз кунларидан бирида устози В. Р. Розенга (1849—1908) ёзган мактубида яққол кўрамиз. У, бундай деб ёзган эди: «Саломатлигим ҳозирча ўртача, лекин барибир, бир қарашдаёқ беморга ўхшайман. Ўйлашимча, кўп умр кўрмасам керак. Шу сабабдан... Умримнинг қолган қисмида..., гарчанд асарларим талабалик чоғида ёзилган ишларга ўхшаш шунчаки материал бўлса-да, кўпроқ иш қилишга ҳаракат қилишим керак».

Дарҳақиқат, у кўп умр кўрмади, бор-йўғи 61 йил яшади, холос. Лекин фактик материалга бой, илмий жиҳатдан пухта асарлар яратдики, ҳар бир

шарқшунос, тарихчи, жўғроф, филолог ундан баҳраманд бўлиб келмоқда, В. В. Бартолдни эса ўзига устоз деб ҳисобламоқдалар.

В. В. Бартолднинг Тошкент ва Ўзбекистоннинг узоқ ўтмиши тарихи устида қилган меҳнати нақадар катталигини ҳис қилиб, ундан ҳамиша миннатдор бўлиб яшаймиз.

**Атоқли Шарқшунос олим
(А. К. Арендснинг туғилган кунига 100 йил тўлиши
муносабати билан)**

1993 йилнинг 16 октябрида тарих фанлари доктори, профессор, кўпгина ўзбек шарқшуносларининг устози Альфред Карлович Арендснинг таваллудига юз йил тўлади.

Жумҳуриятимиз ва жаҳон шарқшунослари А. К. Арендсни маданий меросимизнинг толмас тадқиқотчиси сифатида жуда яхши биладилар. Унинг илмий изланишлари кўлами кенг эди. У ўз сиймосида истеъдодли тилшунос олим, Ўрта Осиё ва қўшни Шарқ мамлакатлари тарихчиси, истеъдодли манбашунос, тарихшунос ва ўнлаб ёш мутахассисларни етиштирган ажойиб устоз ва мураббийлик хислатларини ўзида уйғунлаштирган одам эди.

Альфред Карлович Арендс фан майдонига асримизнинг 20-йилларида кириб келди. У Санкт-Петербург Шарқ тиллари институти аспиранти эканлигидаёқ форсча илмий-техникавий истилоҳлар масаласи устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Унга профессор А. А. Ромаскевич (1895—1942) ва Ю. Н. Марр (1897—1935) раҳбарлик қилдилар. Альфред Карлович икки йил давомида форс тилида бўлган техникавий фанларни ўрганиб чиқди. Шу изланишлар натижаси ўлароқ мазмунли ва қимматли ва ҳозирги замон форс тили лексикаси бўйича зўр илмий қимматга эга бўлган китоб юзага келди. Бу 1928 йилда Ленинградда чоп бўлган «Форсча-русча физикавий истилоҳлар луғати» эди. Китоб академик С. Ф. Олденбурс (1863—1934) таҳририда нашрдан чиқди. Профессор Ю. Н. Марр ўз дарсларида Альфред Карлович Арендснинг бу китобига юксак баҳо бериб, унинг биринчи жаҳон урушигача Эронда бошланғич ва ўрта таълимнинг аҳволига доир жойларидан намуналар ўқиб берарди. Олим форс тили луғатшунослигидан ўз билимини чуқурлаштира бориб, бу борадаги буржуазия фани ғояларини танқид қилади. Шу муносабат билан унинг 1932 йил июнида Тил ва тафаккур институтида «Форс тили илмий-техникавий луғатининг ижтимоий омиллари ва шаклланиш йўриқлари» мавзуида қилган маърузаси эътиборга лойиқдир. Альфред Карловичнинг тамомланмай қолган ва ҳозирда дастхати Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган «Форс илмий луғатшунослигини тадқиқ, этишдаги сўз ясалиши» деган монографияси ва «Ҳофиз-и Убаҳийнинг тожикча-форсча изоҳли луғати» асари ҳам лингвистика фанининг мазкур соҳасига тааллуқлидир («Труды института востоковедения АН Узбекской ССР», вып. III, Тошкент, 1954, 83—106-бетлар). Унинг «Ҳофиз-и Убаҳийнинг тожикча-форсча изоҳли луғати» асари XV—XVI асрлар форс тили луғатшунослиги масалаларига тегишли бўлиб, толмас тадқиқотчининг илмий ҳодисаси нақадар кенг бўлганлигидан далолат беради. Альфред Карлович бу китобида ўрта аср форс луғатшунослиги-хусусиятларини кўрсатиш билан бир қаторда луғатнинг XI

асрга доир энг қадимги изоҳли луғатлардан Асадий Тусийнинг «Китоби луғати фурс» («Форсларнинг луғат китоби») билан ирсий алоқадорлигини такидлайди.

Альфред Карловичнинг эрон филологияси тараққиётига қушган ҳиссаси у яратган наҳв (синтаксис) китоби бўлди. «Ҳозирги замон форс адабий тили наҳви» («Синтаксис современного литературного персидского языка») дарслиги 1941 йилда чоп этилди. Китоб эроншуносларнинг заволи билмас мулкига айланди ва бу соҳадаги дастлабки илмий тадқиқот бўлди. У олий ўқув юртларида ягона ўқув қулланма бўлиб қолди ва умуман зўр эътибор қозонди.

Олим фақат Эрон тилларигагина эътибор бермасдан, бу мамлакат феодаллари, инглиз империалистлари ва чор Русияси зулми остида эзилаётган меҳнат аҳли ҳаётини ҳам ўрганди. Санкт-Петербург Шарк институтида Эроннинг халқ ҳўжалиги фани бўйича ўтадиган дарслари учун қулланма тарзида нашр қилинган «The English – Persian Oil» («Инглизча-форсча нефт атамалари», Ленинград, 1929), «Эроннинг Русия ва Ғарбий Оврупо билан XIX аср ўрталаригача олиб борган савдо муносабатлари» (Ленинград, 1934) асарларида, «Консуллик ҳисоботлари тўплами. Жанубий Эрон» китобининг танқидий таҳлили» («Библиография Востока», НКВД, 1933, 2-сон) мақоласида олим Эрон халқи бойлигини аёвсиз талаётган империалистик давлатларнинг кирдикорларини ўзига хос принципиаллик билан фош қилади.

Альфред Карлович Эрон халқи ижтимоий ҳаётининг яна бир соҳаси — биринчи жаҳон уруши арафасидаги мактаб таълими аҳволи билан ҳам кизикди (А. К. Арендс. Школьное образование в современном Иране. «Восточные записки», Ленинград, 1929, 2-сон). Эрон манбаларидан олинган бой маълумотлардан фойдаланиб, олим мамлакатдаги мактаб таълимининг ёрқин манзарасини ёритиб бера олди.

Альфред Карлович Арендснинг тарихшунослик ва манбашунослик соҳасидаги хизматлари ҳам улқандир. Ҳозирги замон илм-фани учун муҳим бўлган қулёзма манбаларни илмий муомалага киритиш хусусида жидду жаҳд кўргизди. У 30-йилларда Хасанбек Румлунинг туркманлар тарихи учун муҳим манба бўлган «Аҳсан ут-таворих» (XV—XVI асрлар), XIX аср туркманлар ва Туркманистон тарихига доир афгон солномаси «Сирож ут-таворих» асарларидан парчаларни форс тилидан рус тилига таржима қилди («Материалы по истории туркмен и Туркмении». II жилд, М. — Л., 1938, 52—65-бетлар). 1940 йилга келиб у Низомий Ганжавий (1147—1209)нинг «Иқболнома» достонини форс тилидан русчага таржима қилиб тугатди. Таржима буюк Озарбайжон шоири таваллудининг 800 йиллиги юбилей комиссияси топшириги билан амалга оширилган эди. Шу даврга келиб Альфред Карлович бошқа бир илмий ишини ҳам охирига етказди. Ўрта Осиё, Кавказ орти ва Эрон халқлари тарихига доир, Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» асарининг катта қисмини (III жилдини) русчага таржима қилди. Мазкур таржима 1946 йилда Санкт-Петербургда нашр этилди. Нашр ва таржима жараёнининг оғирлигини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади, фақат жонли ва классик тилни мукаммал билган, манбада акс этган давр тарихини яхши ўрганган кишигина бундай машаққатли ишнинг

уддасидан чиқа оларди. Альфред Карлович Арендс, шубҳасиз, шундан хислатлар соҳиби эди. Асл нусханинг ҳар бир сўзини диққат ва эътибор билан, ёдгорликлар тарихини ва у яратилган даврни ўрганишдаги саъй-ҳаракатлар, тинимсиз меҳнат туфайли тардах фани рус тилида ажойиб далил-ҳужжатларга эга бўлди. Яна шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, Альфред Карловичнинг таржималари унинг юксак таржима санъати соҳиби бўлганлигидан далолатдир.

Тарихшунослик ва XI аср бадий насрининг ажойиб ёдгорлиги ҳисобланган Абулфайз Байҳақи қаламига мансуб бўлган «Тарих-и Маъсудий» асарининг таржимаси ва тадқиқоти Альфред Карловичнинг манбашуносликка қўшган бекиёс зрте ҳисаси бўлди. Мазкур таржима 1962 йилда Тошкентда, 1969 йилда тўлдиришлар ва зарур истилоҳлар билан биргаликда Москвада чоп этилди. Нашр таниқли матншунос ва шарқшуносларнинг олқиши ва эътирофига сазовор бўлди.

Яна «Ганс Гоффмейстер, ҳамроҳи Омарийнинг Эронга саёҳати» асари (кулёзмаси Санкт-Петербург Шарқшунослик институтида сақланади) таржимаси ҳам эътиборга моликдир. Таржима босилиб чиқмаган, аммо XVII аср Эрон ва Кавказ орта юртлари тарихи бўйича қимматли маълумот беради.

Олим Абу Али ибн Сино (980—1037) ва Абу Райхон Беруний (973—1048) илмий меросини ўрганиш ишида ҳам муносиб роль ўйнайди. Ибн Синонинг «Ал-қонун фи-т-тиб» асарининг чоп этилишига катта ҳисса қўшди. У асар таржимасининг масъул бўлган муҳаррири ҳамдир. Альфред Карлович қонун ҳақида қимматли мақолалар ҳам эълон қилди.

Альфред Карлович ўзининг илмий-тадқиқот фаолиятидан ташқари ёш мутахассислар тайёрлашни ҳам ўзининг устозлик бурчи деб билди. Уқитувчиликни Альфред Карлович талабали-гидаёқ—Санкт-Петербург жонли Шарқ тиллари институтининг учинчи босқичида ўқиб юрган кезларидаёқ бошлаган эди. Институтни битиргач, шу институтда форс тилидан дарс берди, аспирантлар тайёрлади. Доцент Альфред Карлович 1926—1930 йилларда Ленинград Шарқ институти форс бўлимига мудирлик ҳам қилди. Олим 1947 йилдан бошлаб ёш шарқшунослар тайёрлашни Тошкентда давом эттирди. 1947 йилдан 1952 йилгача Эрон филологияси кафедрасига мудир, 1952 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кулёзма манбаларни тадқиқ ва нашр этиш бўлими мудирлиги бўлиб ишлади.

Бундан аввал Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Тошкент университети) да ишлади. Альфред Карлович бу ерда моҳир ўқитувчи ва мураббий сифатида обрў-эътибор топди.

А. К. Арендс ўзбек манбашунослик илмининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган. Жуда кўп манбалар унинг таҳрири ва ёрдами билан чоп этилди. Р. Г. Муқминованинг «Вакфнома» (1967), О. Д. Чеховичнинг «Бухоро хонлигидаги аграр муносабатлар тарихига доир манбалар» (1954), «XIV аср Бухоро манбалари», Фазлуллоҳ ибн Рузбехон Исфажонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро» асарининг русча наشري (1976), Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» (1977) каби ўнлаб йирик китоблари шулар жумласидандир.

Санкт-Петербурглик машҳур шарқшунос олим А. Н. Болдиров «Альфред Карлович Арендс эроншунос филологларнинг ноёб мутахассислари сирасига мансуб бўлиб, у шу фанга тааллуқли билимлар мажмуасини мукаммал ўрганган, меҳнат-севар, айниқса замонавий илмий тадқиқот усулларининг соҳибидир», деган эди.

Олим Абу Райҳон Беруний замонида доир бир қатор мақолалар ёзди ва уларни ибн Сино ва Беруний юбилейлари муносабати билан тузилган тўпламларда чоп этди.

Альфред Карлович умрининг охирида Гардизий (XI аср) нинг «Зайн ул-аҳбор» асарини форсчадан рус тилига таржима қилиб, унга кириш сўзи ва изоҳлар ёзди, Абу Райҳон Берунийнинг «Хоразм тарихи» асари йўқолган қисмларини тўплаш билан шуғулланди, «СССРда Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» ини ўрганиш» деган катта мақоласини инглиз тилида 1970 йилда «Сентрал Асиатик жорнал» 14-жилдида чоп этди.

Азиз устозимизнинг ёрқин сиймоси ҳамиша қалбимизда қолади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Фан мамлакат тараққиётига хизмат қилиш керак. Тошкент, 1994.
2. Бартольд В.В. Завоевание Средней Азии. СПб. 1902.
3. Алимова Д.А. Туркестан мустақиллиги ва бирлиги учун кураш соҳидаларидан. Тошкент, 1996.

Саволлар:

1. В.В. Бартольднинг асосий асарининг номин айтинг?
2. В.В. Бартольднинг тарих фанига киритган ҳиссаси нимадан иборат?
3. В.В. Бартольд қандай фанларга асос солган?

Мавзу 2: Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепциясини тадқиқот ишларида фойдаланиш усуллари.

Режа:

1. Концепциянинг илмий ғоялари ва йўналишлари.
2. Концепциянинг мақсади ва вазифалари.
3. Ўзбек давлатчилиги босқичлари.
4. Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши. Мустамлакачилик сиёсати.

Таянч иборалар: илмий, методология, ҳаққоний, тарих, яратиш, тафаккур.

Концепция ўзбек халқи давлатчилиги тарихини ҳолисона ўрганишнинг илмий методологиясини шакллантириш, шу асосда ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги ҳаққоний тарихини яратиш, халқимизда, айниқса, ёш авлодда тарих тафаккурини ва тарихий хотира туйғусини тарбиялашга йўналтирилган.

Концепциянинг асосий, таянч илмий ғоялари қуйдагилардир:

- ўзбек халқи давлатчилиги, яъни жамият ҳаётини бошқарув тамойилларига асосланган дастлабки сиёсий тизимлар ўтроқ сунъий суғорма деҳқончилик ва чорвачилик ҳўжалиги заминида бронза асридаёқ Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида вужудга кела бошлаган. Унинг тадрижий давомида мил. авв. 1 минг йиллик бошларида йирик давлат уюшмалари сифатида ривож топган;

- ўзбек халқи давлатчилиги тарихи салкам уч минг йилдан буён умумжаҳон тарихи ҳамда инсоният жамияти тараққиётининг ажралмас қисми бўлиб келмокда. Турли номлар билан аталиши, уни бошқарган сулолаларнинг алмашинуви қабилар ўзбек халқи этногенез ива давлатчилиги тарихининг босқичлари бўлиб, унинг бир бутунлигини ва асосий моҳиятини ўзгартирмайди;

- ўзбек халқи Ўзбекистоннинг маҳаллий туб аҳолиси бўлиб, унинг антропологик қиёфасида «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи антропологик типи» белгилари етакчидир. Ўзбек халқининг тарихи қадим замонлардан Туронзаминда кечган этник ва маданий жараёнлар билан узвий боғланади;

- Ўзбекистон ҳудудлари цивилизацияси минг йиллар давомида жаҳоннинг илғор цивилизациялари билан ҳар томонлама алоқада ривожланди ҳамда инсоният цивилизациясининг тараққиётига улкан таъсир кўрсатди. Бу макон умумжаҳон цивилизациясини ривожлантиришга хизмат қилган илғор ғояларни юзага келтирувчи, сақловчи ва дунёга тарақатувчилик ролини ўйнаб келган;

- Концепциянинг манбашунослик ва тарихшунослик асосини улкан моддий ёдгорликлар мажмуи, ёзма ёдгорликлар ва дунё тарих фани эришган ҳолисона ҳулосалар ташкил этади.

Концепциянинг мақсади ва вазифалари: Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида ўтмишнинг тарихий тажрибаси, ўзбек халқининг қадимий давлатчилиги анъаналари беқиёс аҳамият касб этиши Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида ўз аксини топган. Шундан келиб чиқиб, Концепцияда истиклол мафқураси ва

миллий ўзликни англашнинг ажралмас қисми бўлган ўзбек давлатчилигининг холисона ҳаққоний тарихини яратиш мақсади белгиланади. Бу мақсадни амалга ошириш учун қўйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- Ўзбекистонда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва энг қадимги давлатчиликнинг келиб чиқишида азалий ўтроқ аҳолининг маданияти ҳал қилувчи омил бўлганини кўрсатиб бериш;

- миллоддан аввалги IX-VIII ва VII-VI асрларда илк давлатчилигимиз тараққити жараёнини чуқур ва изчил тадқиқ этиш;

- аҳамонийлар босқини, македониялик Искандар ва унинг ворислари даврида қадимий давлатчилигимизни тиклаш учун курашнинг моҳиятини очиқ бериш Кушонлар сулоласи даври тарихини ўзбек давлатчилиги тарихи асосида чуқур тадқиқ қилиш;

- Буюк Ипак йулининг пайдо бўлиши ва унинг ички ташқи савдо иқтисодий ва маданий муносабатларда тутган ўрнини ўритиб бериш;

- илк ва ривожланган ўрта асрларда ўзбек давлатчилигининг барча босқичлари тарихини яхлит тизим сифатида ўрганиш ва унинг жаҳон цивилизацияси ривожланишига қўшган ҳиссасини тадқиқ этиш;

- XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда марказлашган ўзбек давлатчилиги ривожланишининг ўзига хос қонуниятлари ва хусусиятларини, Амир Темурнинг жаҳон тарихида йирик давлат арбоби, маданият ва фан ҳомийси сифатида тутган ўрнини чуқур ўритиш;

- XVI-XIX аср биринчи ярмида ўзбек давлатчилигининг ўзига хос хусусиятларини, сиёсий тарқоқлик шароитида бошқариш усулларидаги нуқсонларни, маданият, фан, санъат соҳаларидаги таназзул аломатларини ўрганиш;

- ўзбек халқининг Чор Россияси мустамлакачилиги ва шўролар истибдоди давридаги иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий ахволига холисона баҳо бериш;

- ўзбек давлатчилиги тарихининг истиқлол қўлга киритилгандан кейинги энг янги даврини ҳар тарафлама кенг ўритиш.

Концепциянинг ғоявий асослари:

- Ўзбекистон ҳудудида туб аҳоли ва унинг аجدодларининг кўп минг йиллар давомида ўтроқ яшаб келганлиги ҳамда маҳаллий маданиятнинг бой ва қадимги илдизларга эга эканлиги;

- Ўзбекистонда давлатчиликнинг пайдо бўлишида ва ўзбек халқининг шаклланиш жараёнида туб ўтроқ, деҳқончилик аҳолиси етакси ўрин тутганлиги. Бугунги ўзбек халқи тарихан шу заминда яшаган халқ шажарасининг давоми ва ш у ерда шаклланган турмуш тарзи ва маданиятнинг тўлақонли вориси эканлиги;

- Ўзбекистонда давлатчиликнинг келиб чиқишда миллоддан аввалги III – II минг йилликларда шаклланган сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ҳўжалиги, ҳунармандчилик ва маҳсулот алмашишнинг асосий омил эканлиги;

- Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида аждодларимизнинг урф-одатлари ва маънавияти, азалий ижтимоийлашув хусусияти доимо бирлаштирувчи омил бўлиб келганлиги;

- Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва босқичма-босқич ривожланиши, ўзига хос хусусиятлари, унинг жаҳон цивилизацияси ва дунё халқлари тарихида тутган муҳим ўрнини белгилаши.

Ўзбекистон тарихида қўйидаги даврлар алоҳида аҳамияти касб этади:

1. Ўзбекистонда давлатчиликка утиш даври (мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярми);
2. Илк давлат уюшмалари (мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярми);
3. Қадимги давр давлатчилиги тарихи (мил. авв. IV аср охири – милодий IV аср);
4. Илк ўрта аср давлатчилиги тарихи (V-VIII асрлар);
5. Ривожланган ўрта аср давлатчилиги (IX-XIII аср бошлари);
6. Мўнғул истибдоди ва унга қарши кураш-даври (XIII аср боши XIV асрнинг 60-йиллари)
7. Амир Темур ва темурийлар даври (XIV аср иккинчи ярми – XVI аср бошлари) ўзбек давлатчилигининг ўрта асрлардаги авж нуктаси сифатида;
8. XVI-XIX аср биринчи ярми давлатчилиги тарихи;
9. Ўзбекистон XIX аср 2-ярми ва XX аср мустамгачалиги даврида;
10. Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги бир неча минг йиллик ўзбек давлатчилигининг давоми ва вориси сифатида.

Концепция мазмунининг асосий йуналишлари:

- Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири. Ўзбек халқининг дунё тарихи ва маданиятининг тараққиётида тутган ўрни. Қадимги ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий жараёнларни ўрганишда археологик ва ёзма манбаларнинг аҳамияти. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. «Авесто» тарихий манба сифатида;

- дастлабки давлатчиликка ўтиш даври. Милоддан аввалги 1500 – 1000 йиллар. Давлатчиликнинг шаклланишида ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг аҳамияти. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, манзилгоҳлари ва бинокорлик. Ҳунармандчилик, савдо-сотик, маданий алоқалар, ўтроқ, деҳқончилик ва чорвадор аҳолининг ўзаро муносабатлари;

- милоддан аввалги VII-VI асрларда Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг вужудга келиши. Тарихий география. Тарихий-маданий вилоятлар. Давлатчиликнинг ривожланишида ўтроқ деҳқончилик аҳолисининг алоҳида ўрни. Қадимги қабилалар ва халқлар. Моддий ва маънавий маданият. Маданий алоқалар.

Ўзбек давлатчилиги босқичлари: Қадиги Хорезм. Бактрия, Суғд. Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги шаҳарларнинг ривожланиши;

- аҳоманий босқинчиларига қарши кураш. Ўзбекистон вилоятлари аҳоманийлар давлати таркибид. Аҳоманийлар давлатининг тугаши;

- Македониялик Искандер юришлари. Босқинчиларга қарши кураш. Юнонлар ҳокимиятининг ўрнатилиши. Бошқарув тизими. Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт;

- Салавка ҳокимияти. Мустақилликка интилиш. Юнон-Бактрия давлати. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнлар;

- юечжи қабилалари. Юнон-Бактрия подшогинининг тугатилиши. Кушонлар сулосаси. Бошқарув усуллари ва маъмурий тизими. Ички аҳволи

ва ташки муносабатлари. Хўжалик ва маданият дин ва эътиқодлар. Ёзма ёдгорликлар;

- Милоддан аввалги VI – милоддий IV аср бошларида Хоразм. Археологик ва ёзма ёдгорликлар асосида маданий, хўжалик ва ижтимоий ҳаёт таҳлили;

- Африкийлар сулоласи. Хоразмнинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни ва аҳамияти;

- Қанг ва Даван (Парканда) давлатчилиги даври;

- Суғд ва халқаро савдо. Ўзбекистоннинг қулай географик минтақада жойлашганлиги. Буюк Ипак йўли. Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг узаро таъсир жараёнлари;

- Сосонийлар ва Ўрта Осиё муносабатлари. Хионийлар. Кидарийлар. Эфталийлар ва Сосонийлар. Эфталийлар давлатчилиги. Ички тизими, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, маданияти;

- Ўрта Осиёда Турк хоконлиги. Бошқарув тизими. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Этник жараёнлар. Маданий ҳаёт;

- Ўзбекистон ҳудудлари аср истилоси даврида. Истиқлога қарши кураш. Халифалик ҳокимиятининг ўрнатилиши. Янги бошқарув тизими. Ислом динининг тарқалиши;

- IX – XIII аср бошларида ўзбек давлатчилиги тарихида тохирийлар, сомонийлар, ғазнавийлар, қорахонийлар, салжукийлар, қорахитойлар, хоразмшоҳлар сулоалари. Уларнинг бошқарув тизими, ички ва ташкисийсати. Иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар. Солиқ, тизими. Ҳуқуқ. Маданий, маънавий ҳаёт. Ислом ҳуқуқшунослиги;

- мунгул истибдоди даври. Озодлик учун кураш. Чигатой улуси. Бошқарув тизими. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий-тарихий вазият. Сарбадорлар қўзғолони ва халқнинг озодлик учун кураши. Мунгул ҳукмронлигининг тугаши.

- Амир Темур даври. XIV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол. Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва марказлашган давлат тузилиши. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Солиқлар тизими. Ҳуқуқ халқаро дипломатик муносабатлар ва савдо. Фан, маданият, санъатининг тараққиёти. Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни. Темурийлар даврида Моварауннахр ва Хуросон. Шохруҳ ва Улуғбек;

- шайбонийлар, аштархонийлар ва мангитлар сулоалари. Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари. Улардаги бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Солиқлар. Давлатчиликнинг ҳуқуқий асослари. Халқаро савдо ва дипломатик алоқалар. Фан ва Маданият. Сиёсий парокандаликнинг бошланиши ва хонликларнинг таназзулга юз тутиши;

- Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши. Мустамлакачилик бошқарув тизимининг ўрнатилиши ва Туркистоннинг хомашё базасига айлантирилиши. Бухоро ва Хива хонликларига нисбатан қўлланган Россия протектората мақомининг моҳияти. Миллий озодлик учун кураш халқ қўзғоланлари. Жаҳидчилик ҳаракати;

- Туркистонда 1917 йил октябр тунтарилиши ва болшевикча мустақил тузумнинг ўрнатилиши; Туркистонда озодлик ва мустақиллик учун кураш.

Туркистон мухторияти ва унинг зуравонларча тугатилиши. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги 1920 йил ҳодисалари ва «Халқ жумҳуриятлари»нинг ташкил топиши. Совет ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати ва унга қарши кураш: истиқлолчилик ҳаракати. Унинг қизил армия томонидан тормор этилиши;

- «Миллий ҳудудий чегараланиши»нинг асл моҳияти. Тоталитар тузумнинг қарор топиши. Ер-сув ислоҳоти саноатлаштириш, коллективлаштириш, «маданий инқилоб» жараёнларининг ғоявий негизи ва оқибатлари: Ўзбекистонда большевикларнинг қатағон сиёсати ва унинг халққа етказган талофатлари;

-Ўзбекистон II жаҳон уруши йилларида. 50-80 йилларда сиёсий ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, фан ва маданият. Маъмурий буйруқбозлик тизимининг кучайиши «Қайта куриш» сиёсати бардам топиши;

-Ўзбек давлатчилиги тарихидаги энг янги давр. Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши, Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик фуқаролик давлати асосларининг шакллантирилиши. Ислоҳотлар ва янгиланиш. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт. Халқ таълими, фан ва маданият. Маънавият ва маърифат, миллий ва диний анъаналар, прогрессив урф-одатлар ва маънавий кадриятларнинг тикланиши. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги.

Халқи ва унинг давлатчилиги тарихига онд тадқиқотларни олиб боришда, уларни оммалаштиришда бир ёклама ендашувга, ўтмишни сохталаштиришга, мустамлакачилик мафкураси ақидаларига йўл қўймаслик ҳамда эски ғоявий андазалардан ҳоли бўлган, замонавий илмий тафаккур асосларини ўзида мужассам этган, тарих илмининг истиқдолга хос фалсафасини ўзлаштирган тарихчи олимларнинг янги авлодини тарбиялаш;

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига мувофиқ мамлакатимизда олий таълим тизимининг тарихга тааллуқли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар, айниқса, магистрлар тайёрлашда фаол иштирок этиш. Бу борада олим таълим муассасалари билан бевосита илмий ва ижодий ҳамкорлик ўрнатиш, уларда педагогик ва илмий-тадқиқот жаранларини уйғунлаштириш масалаларига алоҳида эътибор бериш;

чет эл илмий марказлари билан назарий ҳамда амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, илмий анжуманлар, барча шаклдаги илмий муҳокама, мунозара, фикр алмашув тадбирларини ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

Тарих институтининг вазифаларидан келиб чикиб икки ҳафта муддатда унинг Низоми ҳамда штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ҳафта муддатда ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи бўйича тадқиқотларни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқсин, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан биргаликда Тарих институтининг илмий йўналишлар мавзуларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда Тарих-институтининг барча илмий ходимларини аттестациядан ўтказсин;

бир ой муддатда академиянинг Қорақалпоғистон, Самарқанд бўлимлари, Хоразм Маъмун академиясининг асосий илмий йўналишлари дастурини ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш вазифасига мувофиқ қайта куриб чиқсин ва тасдиқласин;

Тарих институтининг илмий салоҳиятини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қумитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда унинг таркибини ёш замонавий фикрловчи истеъдодли олимлар билан кучайтирсин;

хар, олти ойда академик Яхё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарини ташкил этсин. Семинар ишларини мувофиқлаштириб бориш мақсадида унинг илмий кенгашини тузсин. Семинарнинг илмий мажлислари республиканинг барча вилоятларида мунтазам ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда, унинг босқичма-босқич дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. Семинар материалларини мунтазам тўплам сифатида, нашр этиш масаласини ҳал этсин;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қумитаси, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўз тасарруфидаги илмий муассасаларнинг, шунингдек, республика тарих фани бўйича тадқиқотлар олиб бораётган бошқа илмий ва таълим муассасаларининг изланишларини мувофиқлаштириб боришни ҳамда уларнинг ўзвий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қумитаси билан биргаликда Ватанимиз тарихининг долзарб масалаларини ёритувчи даврий тўплам ва «Ўзбекистон тарихи» илмий журналининг бир ой муддатда ташкил этсин. Шунингдек, илмий-оммабоп тарихий рисоалар туркумини нашр этишнинг назарда тутсин;

4. Тарих институтини замонавий компьютер, нусха кучириш техникаси ва ахборот соҳасидаги бошқа моддий-техник воситалар билан таъминлаш масаласини ҳал қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда бир ой муддатда республикадаги мавжуд барча тарихий музейлар илмий тадқиқот ишларини ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда Тарих институти фаолиятига мувофиқлаштириш дастурини ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда 1998 йил 1 сентябрга қадар Тошкент давлат университети, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти ва бошқа олий таълим муассасаларининг тарих факультетларида кадрлар тайёрлаш ўқув режа ва дастурларини қайта қўриб чиқиб, уларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги 1998—99 ўқув йили давомида Бухоро, Урганч ва Тошкент шаҳарларида тарих фани бўйича ихтисослаштирилган махсус мактаблар ташкил этсин. Ушбу мактабларнинг

ўқув жараёнига олий ўқув юртлари педагоглари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мутахассислари жалб қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Давлат матбуот қумитаси билан биргаликда икки ой муддатда ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи ҳақидаги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ҳамда нашр этиш дастурини, ишлаб чиқеинлар ва белгиланган тартибда амалга оширсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси ўзбек халқи тарихи бўйича диссертация ишларига талабни кучайтирсин.

Бунда бирламчи тарихий манбалардан фойдаланиш асосий талаблардан бири деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви ва «Ўзбошархив» Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, мазкур қарор доирасида фаолият кўрсатаётган илмий-тузилмалар ходимлари учун зарур тарихий хужжатлардан фойдаланишга имконият яратсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси Фанлар академияси Тарих институтининг янги тузилмасига мувофиқ харажатларни қоплаш, зарур моддий-техникавий ашёлар билан таъминлаш. Фанлар, академияси йўлланмаси билан мутахассисларнинг республикамиз ва чет эллар бўйлаб илмий экспедицияларини ташкил этиш, ходимларнинг хорижий илмий марказларда ишлаш, у ердаги тарихий манбалардан фойдаланиш ҳамда Фанлар академияси фондига қадимий тарихий манбаларнинг асли нусхаларини харид қилиш учун Фанлар академиясининг ҳисоб-китоби асосида Тарих институтини 1999 йилда ва келгуси йилларда маблағ билан таъминласин.

Тарих институтининг илмий-тадқиқот ишлари учун сарфланадиган харажатларни қоплаш 1998 йилда Фан ва техника давлат қўмитасининг захира маблағлари доирасида амалга оширилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.¹

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи концепцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Фаннинг вазифаси – Ватаннинг ғуллаб яшашига ҳизмат қилиш. Т., 1994.
3. Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг ягона концепцияси. Т., 1996.
4. Илалов И.Н. Тарихий тадқиқот методлари ва методологияси. Тезисы лекций. Самарканд, Компьютерный вариант. 2009.

Саволлар:

1. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи қачон вужудга кела бошланган?
2. Ўзбек халқи этногенези давлатчилик босқичлари нимадан иборат?
3. Концепция мазмунининг асосий йўналишлари?
4. Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши?

¹ Каримов И.А. «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи концепцияси». Брошюра. Тошкент, 1998 йи., 27 июл.

**Мавзу: Тарихий тадқиқот методикаси ва методологиясида.
Инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва интеграциялаштириш
усуллари.**

Режа:

1. Олий таълим тузимида ўқув жараёнининг инсонпарварлаштириш муаммолари.
2. Таълим дастурида демократлаштириш вазифалари.
3. Таълимни бугунги кун талаба.
Таянч иборалар: ўқув-услубий, дидактик, адабиётлар, илм-фан, техника, ўргатувчи.

Сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига қиради.¹

Таълим-тарбия давомида ижтимоий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан етук шахсни шакллантириш муаммосини самарали ҳал этиш учун кўп қиррали жараён бўлиб, унда биринчи галда таълимни инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва интеграциялаштириш йўналтириш асосий омил ҳисобланади.

Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва интеграциялаштириш ғоясини изчиллик билан амалга ошириб бориш эса ўз навбатида ҳар бир ўқиладиган фаннинг ёшлар дунёқарашларини шакллантиришга хос масалаларини шу мақсадга уйналтиришни, тарих фанини ўқитиш методикаси тимизда амалга оширилган турган катта ўзгаришлар билан бир қаторда, билишнинг диалектик жараёнини, узлуксиз мантикий алоқадорликда олиб бориш лозим.

Ўзбекистон Республикасида узок йиллар давомида олиб борган педагогик тажриба шуни кўрсатадики, таълим жараёнига инсонпарварлик, демократик ва интеграцион ёндашиш педагогдан биринчи галда ҳар бир шахс-индивидда мантикий тафаккур қобилятини узлуксиз ривожлантиришга эришмоғимиз керак. Ўз навбатида юқорида кўрсатилган вазифалар ёшларда мустақил тафаккур этиш воситалари ва қобилятларини ривожлантиришга келмоғи лозим. Дарҳақиқат, буюк файласуф Лукреций айтганидек, одамларда ақл-идрок дунёни билиш билан ўсиб боради. Илм-фан, техника бекиёс ўсиб бораётган бугунги кунимизда келажаги буюк бўлган Ўзбекистонимиз учун муносиб мутахассислар етиштиришда, айниқса таълимнинг муаммоли ва баҳс этиш шакли кундан кунга кенг кулоч ёзиб бораётган бир вақтда ҳар бир талаба мулоҳазаларини назарий концепциялар ва уни ураб турган кундалик реал амалий, ҳаётий мисоллар асосида, аниқ фактлар воситаларида асослаб беришини талаб этади. Мазкур ўрнида педагогнинг ҳал қилувчи роли сўзсиз асосий факторни ташкил этади. Гап шундаки, Республикаимизнинг ҳамма бугундаги таълим системасида мазкур

¹ Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги Қонуни 3 - моддасидан.

муаммо ўз ечими йўллари топпаган. Шу жоиз миллий дастурда жумладан «ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг катагина қисми яхши тайёргалик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб колмоқда, малакали кадрлар етишмаслиги сезилмоқда».

Талабалар мустақил фикрлаш ривожланмаи қоляпти, шу сабабли ҳаётий ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик йўқ. Уларда ўзларига ишонч шаклланган эмас. Сабаби, ўқув дастурларида маънавият ва ахлоқ асосларини ўргатувчи, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича соатлар берилмаяпти. Худи манна шу ўринда инсоннинг мантикий тафаккурида инсонпарварлик, демократия ва интеграция тушунчалари канчалик ўрин олиши унинг келажакдаги фаолиятини ўқиш, ишлаш, яшаш, одамлар билан ўзаро муносабатда бўлиш, теваарак атрофда содир бўлатган воқеа ва ҳадисаларга ўз муносабатини билдиришда, Ватан тараққит йўлида ўз орзу умидларини амалга ошириш ва белгилашда муҳим рол ўйнайди. Президентимиз Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ аср бусағиситга хавфсизлик таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари методологик асосда ўрганишда қўлланмоқда ва талабаларнинг диққатни ҳозирги кунда учта асосий саволга:

А) хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим? Б) барқарорликни қандай таъминлаш даркор? В) тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин? Деган архиактуал саволларга тўғри жавоб топиш мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажagini таъминлайди ҳаракат дастури бўлиши лозимлигини онгли равишда идрок этишва асарни ўрганиш жараёнида талабаларни юқорида қайд этилган ҳар бир муаммо юзасидан атрофлича назарий ва амалий билим билан куроллантиришга имкон беради.

Биз Президент Ислон Каримовнинг юқорида кўрсатилган асарини талабалар билан ўрганишга киришлар эканмиз, ҳар бир мавзунини ўтиб бўлиб, унинг мазмунини талабалардан сўраб мустаҳкамлаш жараёнида таълимнинг дидактик усулида марказий ўринни эгаллаган услуб – ҳар бир талабага тарақатилдиган ёзма саволлар ёки асардан ўрин олган концепцияларни мустақил таҳлил этиб, шархлашга йўллашларига алоҳида эътибор бериш лозим. Масалан, маъруза жараёнида муаммоли таълим услубини қўллаш ёрдамида асардан айнан олинган қўйидаги фикрларни талабалар томонидан мустақил таҳлил этиш талаб этилди:

1. ХХ аср охирида юз берган, «қайта иломлашиш», «ислом уйғониш», «ислом феномени» деганда нимани тушунаси?
2. Диний экстремизм ва фундаментализм нима?
3. Буюк давлатчилик, шовинизм ва агрессив миллатчиликнинг хуружлари деганда нимани тушунаси?
4. Асардаги «вақт ва тарих бизнинг фойдамизга, мустақиллигимиз ва суверенитетимизни мустаҳкамлашга ҳаётимизни ва тарих гилдирагини тўхтатиб орқага қайтариб ҳам бўлмайди» деган иборасини қандай хулоса чиқариш мумкин?
5. Асарда «Ўзбекистондаги интеграциянинг ижобий натижалари миллатлар ўртасидаги мулоқотга ва минтақавий хавфсизликка ўрдам беради» деган фикрдан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Ўқувчиларни таҳлилий тафаккур этишга даъват этган бундай саволлар ўз навбатида ўқувчиларни асарни ўрганиш жараёнидаги инсонпарварлик, демократик ва интеграцион ёндошув малакаларини ҳосил этиш ва такомиллашувида сўзсиз катта ижобий касб этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ҳар бир талаба аввало инсонпарвар бўлиши лозим ўз ҳақ ҳуқуқини билиши яъни конституцияга амал қилиши керак. Буларни амалга ошириш учун эса ўқитувчи ҳар ўтилаётган фанига ўқувчиларни қизиқтира билиши, уларнинг дунёқарашини шакллантириши, тафаккур қобилиятини ошириши, янги педагогик технологиялардан фойдаланиши ва демократияга асосланган ҳолда талабаларни инсонпарвар қилиб тарбиялаши лозим.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Фан мамлакат тарақиётига ҳизмат қилиши керак. Тошкент, 1994.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шарлари ва тарақиёт кафолатлари». Тошкент, 1997.
3. Барқамол авлод Ўзбекистон тарақиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.
4. Илалов И.Н. Тарихни ўқитиш методикаси ва методологияси. Самарқанд. Компьютер тирими. 2009.

Саволлар:

1. Таълим жараёни нимадан иборат?
2. Педагогик тажрибадан фойдаланиш методикаси сузлов биринг?
3. Хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим?
4. Шовинизм ва агрессив миллатчиликнинг хуружлари деганда нимани тушунасиз?

Мавзу: Президент И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асаридаги методологик кўрсатмалардан илмий ишларида фойдаланиши усуллари.

Режа:

1. Асардаги «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади» диган методологик тушунганинг аҳамияти.
2. Тарих фани халқ маърифати ва маънавиятининг асоси босқичидир.
3. Талабаларни ватанпарвар рўҳда тарбиялаш ва уларга замонавий билим бириш бугунги куннинг талаби.
4. Президент асарида Ўзбекистон Республикаси тарихчилар олдида қуйилган вазифалар.

Таянч иборалар: тарих, мустақиллик, ўтмиш, таҳлил, давлат, сиёсат.

Мустакилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу - табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ балки, умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку фойзани, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ун минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида туплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Чунки, узингизга маълум, шурулар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борица йироқ сақланарди.

Ахвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Бировлар томонидан яратилган тарих дарсликларини ўқир эдик. «СССР тарихи» деб аталган дарсликда, Ўзбекистондан мамлакатга бор-йўғи 3-4 саҳифа ўрин берилиб, тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида ноҳолис фикрлар айтилар ёки умуман ломмим

дейилмасди. Фандаги бундай сохтакорлик, кўзбўямачиликни бугун энг олис кишлоқларда яшаётган оддий фуқаро ҳам, мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Энди, мустақиллик туфайли яккол намоён бўлаётган тарихий ҳақиқатни билишга, ўзлигини англашга чанқоқдикнинг туб сабаблари мана шунда, деб ўйлайман.

Олимларимиз тарихимизнинг турли даврларига доир рисоалар ёзишмоқда, тарихий мавзуда йирик насрий, назмий, сахна асарлари яратилмоқда. Оммавий ахборот воситалари маънавий қадриятларимизни кенг тарғиб қилаётгани, суҳбатлар, мулоқотларда фикрлар ранг-баранглиги пайдо бўлаётгани диққатга сазовор. Ёшларнинг Ватан, миллат тақдири учун ўзларини масъул сезиб, бу бахсларда дахлдорлик туйғуси билан иштирок этаётгани мени, айниқса, қувонтиради.

Чумчук сўйса ҳам кассоб сўйсин, деган гап бор. Мен тарихчи эмасман. Бу мавзуда ақл ўргатиш фикридан мутлақо йироқман. Лекин табиий бир савол туғилади: давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керакми-йўқми? Яъни юртимизда фаол меҳнат қилаётган мухтарам академиклар, олимлар, адиблар, ноширлар, авваламбор, тарихчиларимиз биргалашиб, мана шу саволларга жавоб топиши керакми-йўқми?..

Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихий билишдан бошланади. Исботлаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур.

Миллат, мамлакат ҳақида катта-катта минбарларга чиқиб гапиришнинг ўзига хос масъулияти бор. Муайян воқеа, шахсга муносабат билдираётганда, бу фақат бир киши ёки муайян тоифадаги кишиларнинг нуқтаи назари бўлиши мумкинлигини унутмайлик. Ёмон томони шундаки, субъектив фикр юкувчан бўлади. Чуқур таҳлил, мантикка асосланмаган бирёкдама фикр одамларни, энг аввало, тарих ўқитувчиларини чалғитади. Улар эшитганларини ҳақиқат шу экан, деб ўқувчиларга ҳам етказишади. Фақат бахс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга туғри йўл кўрсатиши мумкин. Бу - биринчидан.

Иккинчи масала шундан иборатки, биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Жомил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга иборат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-кочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл мантик тарозисига солиб кўради. Уз фикр-уйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади.

Эркин, демократик жамият кўряпмиз. Биз учун ёпиқ мавзунинг ўзи йўқ. Умумхалқ минбари -телевидениемиз, радиомиз, матбуотимиз бор. Яхши ниятли кишиларга чегараларимиз ҳамиша очиқ. Хориждан меҳмонлар келишяпти, биз чет давлатларга чиқяпмиз. Кунда бўлмаса, кун ора халқаро анжуманлар ўтиб турибди. Бизга мана шу анжуманларда манман деган олимлар билан, хоҳланг, иктисод, хоҳланг, сиёсат, хоҳланг, тарих, маънавият

соҳалари бўлсин, бемалол бахслаша оладиган билимдон, зукко, маърифатли одамлар керак.

Нега мен маърифат сўзини кўп такрорлаб, унга алоҳида урғу беряпман? Чунки, жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалоқатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир. Асримиз бошида Туркистонда кечган воқеаларни бир эсланг. Нега бу ўлкада ўша йиллари маърифатчилик ҳаракати ҳар қачонгидан ҳам кучайиб кетди? Негаки, чор Россияси асоратига тушиб қолиб, буткул таназулга юз тутган ўлкани уйғотишга, халқнинг кўзини очишга фақат маърифат оркалигина эришиш мумкин эди. Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!

Айнан шунинг учун ҳам ўз пайтида Республика Маърифат ва маънавият марказини ташкил этдик. Марказнинг вилоят, туман бўлимлари очилди. Гап ҳозир республика бюджетидан ажратилган катта маблағ ҳақида эмас. Керак бўлса, яна ёрдам берамиз. Мазкур соҳадаги ишларнинг талаб даражасида эмаслигини, ташкилотнинг расмийликка берилиб кетаётганини қандай тушуниш мумкин? Бу ҳолни кўрганда беихтиёр, барака топкур, сен шўролар замонидаги домполит-просвещения, яъни сиёсий маориф уйи ходими эмассан, мутлақо бошқа одамсан, биз бу марказни фақат маош олиш учунгина ташкил этмадик, дегингиз қелади. Қолаверса, маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Маърифатчи фидойи бўлмоғи керак. Тушунамиз, уларнинг ҳам тирикчилиги, бола-чакаси бор. Шунинг учун ҳам маош тайинлаб қўйибмиз. Лекин яна такрор айтаман: маърифатчи, энг аввало, фидойи бўлмоғи, ўзидан кечмоғи керак.

XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати ҳақида гапиргандим. Ўша ҳаракатнинг намояндалари бойлик учун, шон-шуҳрат учун майдонга чиқишдими? Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Таваллоларга мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганлари учун биров маош тўлаганми? Биров уларга ойлик берганми? Албатта, йўқ! Улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибдодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган.

Энди асосий масалага ўтсак. Хуш, тарихнинг маънавиятимизда тутган ўрни қандай? Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! Маънавиятини тиклаши, тўғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.

Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аجدодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий. Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер

Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII-XIX асрларга келиб, то шу чоқдача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз қоқоқликдау чиқмай қолди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қоқоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан?

Тарихий илдини излагай одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, амин-манки, тўғри хулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир.

Ким бўлишдан катти назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Юқоридаги мулоҳазалардан табиий равишда шундай савол туғилади: хуш, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратиядими-йўқми? Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқитишга мутлақо қаршиман. Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-ғайратларини Туркистоннинг учмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар. Тарихдан жудо бўлиш нималигини яхши билсангиз керак. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.

Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз. Лекин Россиянинг хоҳ ўтмишдаги, хоҳ бугунги кўзга кўринган бирор бир тарихчисидан сўраб кўрингчи, шуни тан олармикин? Тан олмайди, билмайди, билишни хоҳдамайди ҳам. Ўжарликнинг сабаби эса битта: башарти тан олгудек бўлишса, тарихий хулосалари чиппақка чиқади, илмда сохта йўл билан борганлари фош бўлади. Энг муътабар, қадимги қулёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил буляпти. Бу нодир китоб бундан XX аср мукаддам икки дарс оралигида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, юқорида айтганимдек, бирон-бир ҳорижий журналистнинг, умуман, Ғарб адибларининг «Авесто»ни эслашганини билмайман. Хулоса шуки, олис-олис жойларда халқимиз, мамлакатимиз ўтмиши ҳақида айтилаётган мулоҳазаларнинг аксарият қисми сохта, ғайриилмийдир.

Мен билганимни айтяпман, шундай хулоса чиқаришга мажбурман. Ажабланадиган жойи яна шундаки, тарихимиз ҳасида гап кетганда, биз ҳамон рус олимларининг тадқиқотларига таянамиз, иқтибос кўчирамиз. «Бартольд ундай деган, Гумилев бундай деган...» ва ҳоказо. Мен рус олимларининг меҳнатини камситмоқчи эмасман. Лекин қачонгача биз тарихимизни бировларнинг нуқтаи назари, қаричи билан баҳолаймиз? Шундай ўлкан даврда юртимизда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган тадқиқотлар нега яратилмаяпти? Археология, Тарих, Шарқшунослик ва бошқа бир қатор

институтларимиз бор. Мутахассислар нима билан машғул, қаёққа қарашяпти? Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган? Нима эмиш, Ўзбекистон XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи, 1924 йили давлат мақомига олган эмиш. Биз шу гапга ишонишимиз керакми? Мақтаниш эмас, янгидан шаклланаётган ўзбек давлатчилиги бошида турган инсон сифатида айтишга ҳаққим бор, керак бўлса, бу иш учун жангчимни, борлигимни беришга тайёрман. Чунки, ҳаётимнинг мазмуни шундан иборат. Лекин фақат бир мен эмас, бугун халқ билишни истади: ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб берадилар. Балки, аниқ жавоблари бордир? Тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бораётган олимлар, балки, аллақачон бир фикрга келишгандир? Лекин ҳозирча на матбуотдан, на дарсликлардан мен мана шу саволларга жавоб тополмадим.

Яна айтаман, бу соҳада ишлаётган олимларимизни танқид қилиш у ёқда турсин, айбашга ҳам ҳаддим сиғмайди. Кўпчилик олимларимизнинг илмий тафаккури, қарашлари қайси даврда шаклланиганини ҳам яхши биламан. Тарих оламида меҳнат қилаётганларни ватанпарвар, элпарвар сафдошларим деб билганим учун уларга шу талаони қўймоқдан: қачон лўнда, асосли қилиб ҳаққоний тарихимизни фарзандларимизга етказасизлар?

Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда, Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаваротдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга ўринаётган кучлар хали бор. Бундай ғаламисларнинг орасида қандай қилиб бўлса ҳам бизни яна собиқ СССРга қайтариш ниятида юрганлар йўқ дейсизми? Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу давронинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир.

Матбуотда ўтмишимизга тааллуқли бирор мақола чоп этилса, бирор-бир тарихий асар, ҳоҳ у илмий, ҳоҳ бадиий бўлсин, қўлимга тушиб қолса, албатта, ўқиб чиқаман. Сиёсатчиман, арбобман деган одам, агар виждони бўлса, ўз халқининг тарихий ўтмишини билиши шарт.

Ҳаммамиз шу тупроқнинг сувини ичганмиз, нон-тузини еганмиз. Ҳаммамиз ўимизни ўзбек санаймиз. Ўзбекчилигимиздан фахрланамиз, ғурурланамиз. Яқинда Муҳаммад Юсуфнинг бир шеърини ўқиб қолдим. Ўзбек номини тушуниш учун нималарни билиш кераклиги ҳақида ёзибди. Яхши шеър! Қани энди, олимларимиз ҳам мана шундай катта ғояларнинг илмий талқинини берсалар.

Масалан, қадим аждодларимиз ҳаётининг асосини ўтроқ маданият ташкил этганми ёки кўчманчимиз? Ўзбек халқининг шаклланишида қандай элатларнинг таъсири бўлган? Биламан, булар оғир саволлар. Лекин уларга жавоб топишимиз зарур.

Атрофимизда жойлашган баъзи давлатлар ва миллатларнинг вакилларида ҳам бизлар қатори ўз тарихларини бошқатдан ўрганиш, чуқурроқ ўрганиш туйғуларини сезиш мумкин. Балки, бу ҳам тўғридир. Ҳар бир халқ ниманидир ўзининг миллий ифтихори, деб билади. Ҳар хил китоблар чоп этишади, катта-катта анжуманлар ташкил қилинади. Ахмад

Яссавий бобомизнинг муқаддас меросини ўрганиш мақсадида гоҳ Туркистон, гоҳ Истанбул, гоҳ Измирда учрашувлар ўтказилади. Мана шу учрашув-анжуманларда Ўзбекистон вакиллари, авваламбор, илмий-тарихий асосларга, чуқур тадқиқотларга суяниб, баъзи бир сохта уринишларга берилиб кетмасдан, ҳаққоний далил ва исботларни қурол қилиб олсалар, маъқул бўларди.

Яна қайтариб айтмоқчиман: биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак. Туркий-тилли халқ бор, турк халқи бор. Фарқини ҳар бир фуқаромиз, аввало, фарзандларимиз билиб олсинлар. Нега шу масалалар бўйича тарихчиларимиз оғизларига талқон солгандек миқ этишмайди?

Яқинда телевидениеда бир кўрсатув берилди. Хунлар давлати, қачонлардир шу давлатни бошқарган Атилла ҳақида. Шу Атилла Волгабўйи, Астрахан чулларини ишғол қилиб Шарқий Европага ўтибди, кейин Ғарбий Европани ҳам забт этиб, Румгача борибди ва уни иккига, яъни - Рум ва Византияга бўлиб ташлабди.

Рус, умуман, Ғарб манбаларида, адабиётларида хунларни «гун» дейишади. Хунлар Атилла бошчилигида Румга бостириб қириб, уни батамом вайрон қилишган. Бу воқеалар тахминан IV аср охири - V асрнинг биринчи ярмида бўлган. Кўрсатув бошловчиси, олим одам завқ-шавқ билан Атилланинг кимга уйланганини, тўй кечаси кимнинг кўрсатмасига кўра, ким томонидан захарлаб ўлдирилганига оқизмай-томизмай томошабинга етказди, хатто, Атилланинг туғилган кунига аниқ айтди. Ўша олимдан Бериунийнинг туғилган кунини айтиб беринг, десангиз, айта олармикин, худо билади. Қизиғи бу ёқда, энди давомини эшитинг: нима эмиш, хунлар муккасидан айш-ишратга берилган румликларни майпарастликдан жудо қилиб, қонларига соғлом қон бўлиб қўшилган эмишлар ва шу йўл билан уларнинг умрига умр қўшибдилар. Румга маданиятни ҳам хунлар олиб келган экан...

Ваҳоланки, Ғарбда Атиллани маданият олиб келган шахс эмас, улуғ бир цивилизацияни ер билан яксон қилган босқинчи сифатида эслашади. XXI асрга кадам қўймоқдамиз. Орадан шунча вақт ўтган бўлса ҳам улар Атилланинг қилмишларини унутганлари йўқ.

Қалмоқ дўстларимиздан бири яқинда менга ёстикдек китоб совға қилди. Ушбу китобда ёзилишича, нима денг, Атилланинг байроғида хоч тасвири бўлган эмиш. Муаллиф бу билан нима демокчи? Демокчики, насронийлик ҳам Европага саҳродан келган. Яна бир қизиқ хулосага дуч келдим. Биз ўзбеклар ҳам ўша Атилланинг авлодлари, ворислари эмишмиз. Бу билан фахрланишимиз керак экан. Биринчидан, бундай ўта жиддий хулоса чиқаришга ҳозирча ҳеч қандай асос ёки замин борлигини ҳеч ким исбот қилолмаса керак. Иккинчидан, босқинчига ворис бўлиш фахрли мартаба эмас, иснодку! Бу иғвога учеак, эрта Европа биз тўғримизда нима дейди? Бу гап қаердан чиқди, кимга керак бу сохта обрў?!

Биз ўзбекларни улуғ бунёдкор халқ деб дунёга тараннум этияпмиз ва аслида ҳам шундай. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Амир Темур бобомизнинг тўйларини ўтказишдан мақсад нима эди? Комил бу инсоннинг, энг аввало, буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор шахс бўлганини,

фан, маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига бекиёс хисса кўшганини олам аҳлига билдириш эди.

Жаноб Жак Ширакнинг ўзи иштирок этган бу анжуманда мен мазкур фикримни ишончли манбалар асосида исботлаб беришга ҳаракат қилдам. Айтдимки, давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбирқорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолғусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз.

Суриштириб кўрилса, Парижда ва умуман, Европада ҳам соҳибқирон бобомизнинг обрўсини тўкишга уринишлар бўлган. Буюк саркардалигини тан олган ҳолда, уни, айтишга тил ҳам бормайди, ёвузликда айблашган. Бунга ҳеч қандай мантикий асос йўқлигини исботлаб бериш кийин эмас. Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни курган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхур одам «Куч - адолатда» дейиши мумкинми?!

Ўзбекистоннинг обрўйини кўтариш бир четда қолиб, аллақандай атиллаларга ворис бўлиш бизга мутлақо ярашмайди. Мен бунга қатъиян қаршиман. Кимгадир ворис бўлиш керак бўлса, биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиз. Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир. Уша бировнинг ери керак эмас. Мабодо кўлига қурол олгудай бўлса, фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина олади.

«Тафаккур» журнаliga берган интервьюда Амир Темур бобомизнинг «Куч - адолатда» деган фикрини ривожлантириб, «Жуч - билим ва тафаккурда», деган ғояни ўртага қўйдим. Тафаккур, маърифат, маънавият қаердаю, Атилла қаерда? Чуқурроқ ўйлаб кўрлилик: Атиллани рўкач қилиб, бизга, сиз ўзбеклар ҳам кўчманчи халқсиз, демокчи эмасмилар?

Мен кеча атай яна харитага кўз ташладим. Ҳунлар Европага Шимолдан, Дашти Қипчоқдан ўтиб кетишган экан. На улуғ Бухоро, на улуғ Самарканд, на улуғ Ҳоразмга уларнинг қадами етмаган. Шу боис ўзбек зоти қанақасига хун бўлиши мумкин?

Тўғри, Мовароуннахр сарҳадларига ўзоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки, асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолалар ҳуқмронлик қилмаган, дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Ахмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Қутайба, Муғулистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халқ қолдику. Хўш, бунда қандай сир-синоат бор? Халқ қандай ички куч-қудратга таяниб ўзлигини сақлаб қолди? Қадим-қадим замонлардан ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюқ маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун эмасми?

Ўзбек номи қачон пайдо бўлган? Совет тарихшуносларининг ёзишича, гўё XVI асрда бизнинг заминимизни Дашти Қипчоқ хонлари ишғол қилгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир, биз Мовароуннахр

деб атайдиган икки дарё оралиғида унгача ҳам халқ яшаганку! Ёки бу халқ бошқа миллат бўлганми? Мантиқ қани бу ерда?

Биз совет замонидан қолган бу акидани қабул қилсак, миллатимиз тарихи мана шу навбатдаги босқинчилар давридан бошланган, деган нотўғри хулоса келиб чиқмайдими? Унда бизнинг неча минг йиллик тарихимиз қаерда қолади? Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам, Хива ҳам ўзбекларники экан, бу ерларда ўзбек давлати бўлган экан, нега энди ўз тарихимизни XVI асрдан, кимдир келиб-кешиб, номини қолдириб кетган даврдан бошлашимиз керак? Унгача ҳам бу ерда ўтроқ халқ яшаганку! Бу ерда ана шу ўтроқ халқнинг маданияти бўлганку! Ким келмасин, масалан, муғуллар келган, XIII асрнинг 20-йилларидан XIV асрнинг 70-йилларига қадар ҳукмронлик қилганлар ва уларнинг маданияти маҳаллий маданиятга сингиб кетган. Бунда маҳаллий халқнинг маданияти, албатта, асос бўлган, устунлик қилган.

Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз.

Яна бир бор қайтараман: мен тарихчи эмасман. Аммо, умуман, дунё халқлари ва хусусан юртимиз тарихий тараққиёт йўлининг асосий қонуниятларини мантиқий таҳлил қилсак, шу нарса аён бўладики, Александр ҳам (уни Шарқда қупроқ Искандар Зулқарнайн деган ном билан билишади), Қутайба ҳам, Чингизхон ҳам, генерал Черняев ҳам, умуман, ким бўлмасин, юртимизга бир неча ун минг ё бир неча юз минг лашкари билан келган, ишғол қилган ва бу ердаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олган. Яна тақрорлайман: сиёсий ҳокимиятни. Тамом. Тўғри, ҳукмронликлари мобайнида улар мамлакатимизнинг иқтисодий, савдо, илмий, маданий имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга зўр берганлар. Бироқ, шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолини, унинг кўп минг йиллик маданиятини йўқ қилолмаганлар, қилолмасдилар ҳам.

Фикримни ҳаммага яқин ва тушунарли бир мисол орқали изохлаб беришим мумкин. Чор Россияси юртимизни босиб олиб то биз давлат мустақиллигимизни қайта тиклагунимизга қадар ўрта ҳисобда 130 йил вақт ўтди. Шу давр ичида халқимиз бошига не-не кулфатлар, бало-ю офатлар ёғилмади. Хоҳ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни олайлик, хоҳ маънавий, маданий сочани. Кези келганда, сунгги мустамлака даври тарихини тадқиқ қилаётган олимларимизга бир маслахат бермоқчиман, аниқроғи, уларнинг эътиборини бир нарсага қаратмоқчиман. Бу даврнинг илғариги замонлардан фарқи шуки, шу вақтда, айниқса, шурулар ҳукмронлиги йилларида халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди. Етмиш йилдан ортиқ даврда бошимиздан қандай маънавий, маданий тазйиқ, хўрликлар кечганини ҳам яхши биламиз. Мен бу ерда тил, адабиёт, тарих, дин, халқимиз генофонди, демография билан боғлиқ аянчли кечмишларни назарда тутаяпман. Лекин гап ҳозир уларнинг шарҳида, сабаблари, оқибатларида эмас.

Мен айтмоқчи бўлган фикр шундан иборатки, ана шундай ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда бари бир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қоладими ё йўқми? Олимларимиз шу саволга жавоб берсинлар.

Шу мавзуга тегишли яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Собик марказда, Кремлда ўтирганларнинг миллий республикалар маҳаллий аҳолисини «совет халқи»га, яъни ягона халққа айлантириш билан боғлиқ сиёсатидан ўзбек халқи ниманинг ҳисобидан, қайси тарихий, табиий қонуниятлар туфайли омон чиқди? Бу ҳақда олимлар ўйлаб қўрганмилар, ўз илмий изланишларида шундай саволларни кўндаланг қўйганмилар? Афсуски, йўқ.

Хуш, масалан, бу саволга мен қандай жавоб берган бўлардим?

Бизнинг аجدодларимиз, халқимиз қадим-қадимдан ўтроқ яшаган, миллатимизнинг илиги ўтроқ маданият шароитида қотган. Халқимиздаги «илиги тўқ, бақувват» деган тушунча, мен, хатто, қонуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган. Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват демоқчиман. Яна тилимизда «тагли-тугли», «палаги тоза» деган иборалар ҳам бор. Бу бир жойда муқим яшаган, ўз турмуш тарзига, ахлоқ-одоб мезонларига, ақидалари ва тафаккур тарзига эга бўлган хонадонларга нисбатан айтилади. Бутун оммани, бир неча юз минглаб, миллионлаб аҳолини бирлаштирган ақидаларга, мезон ва қоидаларга эга бўлган халқни қандай изоҳлаш, таърифлаш мумкин?! Ана шу ҳаётий ва ижтимоий мантиқдан келиб чиқсак, таъриф ва изоҳ битта бўлади - миллий борлигимиз, маданиятимиз илдизи, томири ўтроқ бўлган.

Масалага бошқа томондан ёндашиб қўрайлик. Бугунги бой маданиятимиз қайси цивилизациянинг маҳсули? Шундай маданият бор экан, уни шу заминда яшаган халқ яратганми ёки у бўм-бўш жойда пайдо бўлганми?

Демоқчиманки, тарихимиз каби, қадим маданиятимизнинг яратилишида ҳам унга кўплаб этник гуруҳлар, эл-элатлар ўз улушини қўшган. Бу - табиий ҳол. Чунки, ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, қўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди.

Шунинг учун тарихчи олимларимиз, ҳар бири турли тушунча, муайян қарашга эга бўлишидан қатъи назар, бир жойга тўпланиб, баҳс юритиб, бир ҳулосага келишлари керак. Саклар, массагетлар, сўғдлар, бактрияликлар деган турли ибораларнинг орқасидан қувиб юриш ўрнига тарихчиларимиз миллатга унинг ҳаққоний тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак. Зотан, тарих - халқ маънавиятининг асосидир.

Баъзи тарихчилар бизни Чингизхоннинг авлоди, хатто, Амир Темурда ҳам Чингиз қони бор, у муғул қавмидан, демоқчи бўлади. Ўйлаб қўрайлик, Амир Темур бобомиз қайси миллатга мансуб?

Яна, совет даври китобларида Амир Темур аскарлари Москва атрофларига етиб боргани ҳусусида «муғул-татар қўшинлари Москвани камал қилдилар», деб ёзишган. Ҳолбуки, Соҳибқироннинг аскарлари Тўхтамишхонни тор-мор қилиб, Русияни муғул истилосидан озод этгандан кейингина Москва атрофида пайдо бўлган. Афсуски, бу ҳақиқат Россия матбуотида 1995 йилдагина ёзилди. Бизнинг тарихчиларимизнинг заифлиги шу даражадаки, шу пайтгача биронтаси чиқиб, йўқ, тарихий ҳақиқат бундай,

деб айтмаган. Йўқса. Амир Темур қаёқдаю, муғуллар қаёқда! Қани бу ерда фидойилик, ватанпарварлик? Қани миллий ғурур, миллий ифтихор?!

Демоқчиманки, ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак. Бепарво бўлсангиз, турли сохта ҳомийлар, кучлар борки, улар тарихни бузиб кўрсатадиган китобларни чиқараверади. Ҳатто, чет элда ҳам чиқариши мумкин. Дунёда дўст бор экан, ғанимлар ҳам бўлади. Биргина мисол. Биз 1996 йили Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйини ўтказдик. Шунини ҳам турлича талқин қилувчилар бўлди.

Авваламбор, биз бирор аجدодимизнинг тўйини ўтказсак, бунга унинг миллатимиз равнақи учун қилган ишлари, тарихимизда тутган ўрни сабаб бўлади. Шу нуқтаи назар-дан ёндашсак, Амир Темур ким эди? У, биринчи навбатда улуғ бунёдкор шахс эди. Самарқанддаги обидаларни, Шахрисабздаги ёдгорликларни ким қурди? Туркистондаги Яссавий макбарасини ким тиклади? Амир Темур ва унинг авлодлари замонида Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ҳудудларида амалга оширилган ободончилик, меъморчилик ишларини айтмайсизми? Ким «Куч - адолатдадир» деган оламшумул, теран ҳикматни ўз фаолиятига асосий тамойил қилиб олди?

Яқин-яқингача давлат бошқаруви санъати ҳақида сўз кетса, кўпчилик гапни ё марксни-ленинчиларнинг давлат ҳақидаги сохта назарияси, ё бўлмаса XVI асрда яшаган Макиавелли қарашларидан бошларди. Қўйиб берсангиз, бу эски одатни бугун ҳам давом эттиришади. Давлат, салтанат, жамият бошқарувига оид мумтоз асар - «Темур тузуклари»ни ёзган ким? Умуман, кишилик тарихида ана шундай йўналишда асар битиб қолдирган бошқа ҳукмдор борми ўзи?

Энди Чингизхон шахсини шу мезонга солиб кўрайлик. Ундан вайрон этилган шаҳару қишлоқлардан бўлак қандай из қолди? Шундай экан, биз ўзимизни Чингизхон ворисларимиз, деб ўтирсак, ўтакетган бемаънилик бўлмайдими?

Юртимизда тарихий шахслар, шаҳарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу ерда гап тантананадагина эмас, муҳими, биз улариини уз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига Кушгаи хиссаларини кадрлаймиз. Албатта, ҳар бир миллат ўз аجدодларини эслаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйишга интилади. Фақат бу каби ҳайрли ишлар ўз моҳияти жиҳатидан халқларни яқинлаштиришга, уларни ҳам жиҳат этишга хизмат қилсин.

Яқинда телевидениеда Хўжа Ахрор Валий ҳақида кўрсатув берилди. Бу мутафаккир зот ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тукнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. «Шайхлар шайхи» деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шахзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёремиз.

Шу маънода, хунлар, хоқонликлардан нима мерос қолди? Бу «мерос» ни топиш учун қаерларда қазилма ишлари ўтказишимиз керак? Ёки XIII

асрда Самарқандни ёндириб ташлаган, Бухорони, Урганчни ер билан яксон қилган Чингизхон тўғрисида турли китоблар чиқяпти, филмлар ишланяпти. Бу асарларнинг муаллифлари Чингизхоннинг қайси бир «фазилати»ни улуғлаяпти? Ўзи Чингизхондан бирон-бир яхши мерос қолганми?

Хоҳ ўтмишда, хоҳ бугун бўлсин, бошқа миллат, давлатни ўзига қарам қилиш ниятида ҳаракат қилган, қилаётган кучлар доимо бир сиёсатни юритганлар, юритадилар: яъни қарам халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этиш. Мисол керакми?

Шўро даврида ўзбек миллати тарихини бузиб кўрсатишдан, уни чалкаштириб ёритишдан, баъзи саҳифаларини умуман кўрсатмасликдан мақсад нима эди? Чор Россиясининг Скобелев деган генерали шундай деб ёзган эди: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди».

Хўш, шу гапларни тарихчиларимиз биладими? Бундай ёвуз қарашлар бўлганини халқимизга ет-казяптими? Афсуски, кўп олимларимиз онгида эски тузум асоратлари маҳкам ўрнашиб қолган. Улар ҳозир - мустақиллик шароитида ҳам кимдандир кўрқиб чўчиб гапирадилар.

Юқорида айтилганлардан қандай хулоса чиқади? Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур. Агар олимларимизнинг илмий тадқиқот ишлари замирида ана шу фикр, ана шу мақсад бўлмаса, уларнинг сарик чақалик аҳамияти йўқ. Тарих институти, Фанлар академияси ҳаққоний тарихни ёритиш мезонларини, унинг пойдеворини, асосини белгилаб бериши керак.

Бу масала бўйича фикрлар аниқ ва илғор бўлиши лозим. Умуман, мен фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ён-маён қабул қиламан. Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йуналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим. Лекин бу борада бизнинг фанимиз ўз сўзини нега айтмаяпти? Нега мазмунан, моҳиятан янгича мақолалар, асарлар чиқмаяпти?

Бу ерда фан ва сиёсатнинг ўзаро муносабати ҳусусида тухталиш жоиз. Зеро, фан, масалан, тарих фани ўз йўлига, сиёсат ўз йўлига, уларнинг бири-бирига алоқаси йўқ, дегувчилар ҳам топилади. Ўйлаб кўрайлик, тарих фани махсули - унинг хулосаларидан аваало ким фойдаланади? Сиёсатчилар эмасми? Ўз сиёсатини оқлаш, уни олға суриш, тарғиб этиш, узвийлигини таъминлаш, обрўсини кўтариш учун улар тарих фани хулосаларига мурожаат этади.

Шундай экан, савол туғилади: ушбу хулосалар кимлар томонидан, қайси мақсадлар йўлида ишлатилади - тажовузкор миллатчиларми ё инсон-парварлар, маърифатпарварларми? Шу маънода, тарихчилар миллатчилар

учун хулоса чиқармоқчи бўлсалар, бу-бир маҳсулот, инсонпарвар, маърифатпарварлар учун бўлса, бу - бошқа маҳсулот. Халқимизнинг миллий туйғусини, миллий ғурурини уйғотадиган тарихий-илмий хулосалар қани? Нима учун бу масалада олимларимиз ўртасида беҳуда тортишувлар бўлмоқда? Фан давлатга, халққа, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.

Биз фан ривожини учун, унинг таъминоти учун ҳеч нарсани аямаймиз. Абу Райхон Беруний бобомизнинг бундан ўн аср бурун айтган фикрини эслатиб ўтмоқчиман: «Илм-фан кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади».

Илғор илмий тадқиқот ишлари бўлса, Академиянинг иш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар, ғоялар, хуллас, эҳтиёж бўлса, маблағ ҳам топамиз, барча шароитни яратиб берамиз. Фақат бу ерда бир мезон бор - бу ишдан аниқ натижа, самара чиқиши керак!

Тарих фани, унинг бугунги аҳволи, истиқболи ҳақида гапирар эканмиз, мен яна бир масалага эътибор қаратишни истардим. Агар биз тарихчиларни тарозига солсак, бугунги кун нуқтаи назаридан баҳоласак, талабга жавоб берадиганлари жуда озчиликни ташкил этади. Шунинг учун тарихчи мутахассислар тайёрлашни университетлардан, яъни бошлангич нуқтасидан яхшилаш лозим, деб ўйлайман. Керак бўлса, тарихга ихтисослашган мактабларни очиш лозим. Бунинг учун эса, аввало, мукаммал дарсликлар яратиш, домлаларнинг ўзини қайтадан ўқитиш керак. Мухими, ёшларнинг орасига қириш, уларнинг ичидан қобилиятли, фидойиларини топиш, уларнинг юрагини ёндириш керак. Бизда 30-35 ёшли академиклар борми? 16 ёшга қирган ўспирин - Рустам Қосимжонов шахмат бўйича қандай натижаларга эришди, жаҳон миқёсида ғолиб бўлди! Шахмат ҳам фан, бу математика дегани эмасми?

Демоқчиманки, биз ана шундай ёшларимизга ишонамиз, суянамиз, келажак умидларимизни улар билан боғлаймиз. Уларга қанча тез йўл очиб берсак, илмда, ижодда шунча кўп изланиш, баҳс бўлади. Изланиш, баҳс, мунозара бор жойда эса ҳақиқат юзага чиқади, тараққиёт бўлади.

Иккинчидан, бизда довюрак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди. Мен академик Яхъё Гуломовни яхши билардим. У мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни дадил айта оладиган олим эди. Тарихчилар яхши биладилар, одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар ястанган бўлади. Шўро даврида фақат томлардагина пахта экил-май қолган бир пайтда ана шундай тарихий тепаликларни ҳам текислаб пахта даласига айлантириш сиёсати авж олганда бунга қарши чиққан олим Яхъё Гуломов булганини мен яхши эслайман. Бу фазилати туфайли тазйик курганини ҳам эшитганман. Лекин адолатни ҳамма нарсадан устун билган, ватанпарвар одам шундай бўлади. Ана шундай одамлар ҳаёти бизга иборат мактаби бўлмоғи лозим.

Энди икки оғиз сўз оммавий ахборот воситалари орқали тарих мавзусини ёритиш ҳақида. Бизнинг матбуотимиз, телевидениемиз ҳам тарихга оид мақолалар чоп этганда, кўрсатувлар тайёрлаганда бир кишининг фикрини ягона ҳақиқат сифатида қабул қилинишига йўл қўймаслиги даркор. Муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат

ойдинлашувига эришиш лозим. Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изохлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак. Чунки, биз шакллантираётган жамиятимиз мафкураси ҳам тарих булоқларидан озикланади.

Яна бир муҳим масала шуки, мен «Тафаккур» журналидаги суҳбатда таъкидлаганимдек, сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум – бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Яъни, агар ўз ғоянг бўлмаса, сенинг юртингда чет ғоя келиб ҳукмронлик қилади. Шу маънода, мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, халқимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз холисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзади. Ёзиш билан чекланса майликуя, бизни, ўсиб келаётган авлодни, ҳатто, олимларимизни ҳам ўз йўриғига солишга ҳаракат қилади.

Мен қайси халқ қаердан келиб чиққани, кимнинг тарихи кўҳналиги хусусида баҳс юритиш, бу борада бир миллатни бошқа бир миллатга қарама-қарши қўйишга мутлақо қаршиман. Бу нарса бизга асло керак эмас. Фақат бизнинг давлатимиз тарихини ёритишда ўзга ғоя ҳукмронлик қилишига йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидламоқчиман. Бу масалада, яъни ўзоқ ўтмишимиз, тарихий томирларимиз бўйича ўз мустақил фикримизга, чуқур илмий асосга эга бўлишимиз шарт. Тарихчи олимларимиз, илмий муассасаларимиз олдида турган долзарб вазифа шундан иборат.

Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар, миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.

Шу муносабат билан бундан беш йил аввал билдирган бир фикримни эслатиб ўтмоқчиман: бино қанчалар баланд бўлса, унинг пойдевори ҳам шу қадар чуқур бўлади. Биз буюк давлат куришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун замонавий сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий имконларимиз билан бир қаторда тарихий асосимиз ҳам бор. 2700 йиллик буюк давлатчилик ўтмишимиз бор.

Ҳаққоний тарихимизни барпо этиш ишини нимадан бошлаш лозим? Аввало, кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этишнинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий изланишларнинг услубини, қўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги потенциал, кадрлар масаласини аниқлаб олишдан. Бу келажакда ҳам узлуксиз давом этадиган катта ишнинг бошланиши бўлади. Шундан кейин ана шу аниқ, босқичлари белгиланган дастур асосида ҳар томонлама тадқиқотлар олиб борилади. Бу осон иш эмас. Шўро замонида тамоман ўзга, миллатимиз манфаатларига зид бўлган, коммунистик, шовинистик мафкура ҳукмрон шароитда ёзилган адабиётлардан уни-буни кўчириб тайёрланадиган иш эмас бу.

Мазкур вазифани амалга ошириш учун Академияга қарашли Тарих, Шарқшунослик, Археология институтлари, шу соҳага тааллуқли бўлган илмий муассасалар таркибини, иш фаолиятини ўзгартиришни замон талаб

қилмоқда. Тошкент Давлат университети, бошқа ўқув даргоҳларидаги тарих факультетларининг дарсликлар, таълим-тарбия масалаларидаги камчиликларини аниқлаб, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Керак бўлса, уларда ишлаётган олим ва мутахассислар фаолиятига танқидий кўз билан қараб, ким шу ишга лойиқ, ким лойиқ эмас, буни ҳам аниқлаш лозим. Зарур бўлса, уларга моддий ёрдам бериш, янги гуруҳдхлар тузиш керак.

Мақсад шуки, фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниқлайдиган, миллий ғуруримизни юксалтирадиган янги йўналишлар пайдо бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсагасида: хавфсизлик, тақдид, тараққиёт шартлари кафолатлари. Тошкент, 1997.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1999.
3. Илалов И.Н. Тарихий тадқиқот методлари ва методологияси. Маърузалар матни. Самарканд. 2009.

Саволлар:

1. Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўпланган ҳаётий тажриба бугунги кунда қандай фойдаланиш лозим?
2. Президент И.А. Каримов асарида-маънавият ва маърифат қандай аҳамиятга эга?
3. Давлатчилик олдида қўйилган вазифалар нимадан иборат?
4. Президент И.А. Каримов асарида биза замонавий фикрлайдиган олинар етишмайди деган методоллгик кўрсатмаган исботлаб биринг?

Мавзу: Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш усуллари.

Режа:

1. Халқ маорифи тармоқлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари олдидан турган улуғвор вазифалар нимадан иборат.
2. Мустақил Ўзбекистон таълим тизимида Ўзбекистон тарихини муфассал, асосий фан сифатида ўқитиш усуллари.
3. Ўзбекистон тарихини ёритишнинг методологик асослари ва тамойиллари.

Таянч иборалар: халқ, илмий-тадқиқот институтлар, асосий фан, методологик асослари.

XX асрнинг мамлакатимиз халқлари учун берган энг буюк ва олижаноб неъмат бу Ўзбекистон миллий давлат мустақиллигининг қўлга киритилганлигидир. Чунки мустамлакачилик зулми ва мутелигидан озод бўлиш, том маънодаги истиқлол — мустақилликка эришиш халқимизнинг узок йиллардан бери кутган эзгу армони ва орзуси эди. Бу мақсад йўлида миллатнинг минг-минглаб фарзандлари ўз жонларини қурбон қилдилар. Ўзбекистоннинг миллий давлат мустақиллиги, халқимизнинг ҳур, эркин, озод яшаб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилишдек буюк бахт бугунги авлод вакилларига насиб этди.

Аммо қўлга киритилган миллий давлат мустақиллигимизни сақлаб қолиш, уни сиёсий, иқтисодий жихатдан янада мустаҳкамлаш ва келажаги буюк давлатни барпо қилиш мислсиз даражада мураккаб ва шарафли бир вазифадир. Бу вазифанинг қай даражада бажарилиши мамлакатимиз фукараларининг ижтимоий-сиёсий савияси, миллий истиқлол мафкурасининг нечоғлик улар онгида шаклланиб, ҳаётий дунёқарашига айланиши билан муштаракдир. Бу улуғвор вазифани ҳал этишда халқ маорифи тармоқлари, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Чунки бу ўқув, тадқиқот масканларидаги ижтимоий-сиёсий ва тарбиявий муҳит шароитида мустақил Ўзбекистон ёшларининг шахс ва фуқаро сифатидаги дунёқараши шаклланади. Бу борада халқ таълими тизимининг барча тармоқларида ўқитиладиган фанлар, хусусан Ўзбекистон тарихининг юқори назарий-илмий ва тарбиявий савияда олиб борилиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялаш, улар онгида миллий истиқлол тафаккурини ва ватанпарварлик ғояларини шакллантиришда Ватан тарихининг ўрни ва имкониятлари чексиздир. Чунки мазкур халқнинг башарият тарихидаги ўрни, Ватанимизнинг ўтмиши, авлодлар севиб, эъзозлаб, ўрганиб, ўрнат ва сабоқ оладиган ҳаёт мактабидир. Тарихий ўтмишсиз бирор бир халқнинг бугуни бўлмаган ва келажаги ҳам бўлмайди. Тарих одамларни ўйлантиради, бўлиб ўтган тарихий воқеа ва ходисаларни фарқлаш, таҳлил қилиш ва улардан амалий, ҳаётий хулосалар чиқариш асосида дастурий ҳаракатлар йўлланмасини белгилашга ёрдам беради.

Миллий ўзликни англашда, миллий бирликни шакллантиришда, шажарамиз улуғлиги ва поклигини билиш ва қадрлашда, қадимий ва доно

халқимизнинг жаҳон халқлари орасида тутган ўрнига баҳо беришда, унинг энг бой ҳаётий ва тарихий тажрибаларидан ўринли ва кенгрок фойдаланишда, халқимизнинг олижаноб, хуррият-парвар, эркпарвар ва истиклолпарвар анъаналарини изчил ўрганиш ва уни янада бойитишда, хуллас, мустақил Ўзбекистон фуқаросига хос бўлган баркамол инсонни вояга етказишда Ўзбекистон тарихи фани нихоятда катта аҳамиятга эга. Ўз тарихини, ота-боболари ва аجدодларининг ўтмишини яхши билган халқни қайта мустамлакачилик асоратига солиш мумкин эмас.

Миллий ўзликни англаб етмаган халқ миллий мустақиллик қадрига етмайди, бундай халқ онгида миллий ғурур, Ватан равнақи йўлида фидойилик туйғулари ёнмайди, миллат бирлиги, ватанпарварлик ва байналмилаллик туйғулари уйғунлашмайди. Бундай халқ доимо бошқалар асоратига тушади, хўрланади, камситилади, унинг инсоний ҳақ-ҳуқуқлари топталди. Бу ҳаётий аччиқ ҳақи-қатни халқимиз ўз тарихида бир неча бор татиб кўрди. Халқимизнинг миллат бирлиги яхлит топган замонлар ҳам бўлдики (Амир Темур даври), табиатан байналмилал халқимиз ўзлигини англай билиб, бошқалар томонидан она заминнинг топталишига чек қўйди, унинг гуллаб-яшнашини таъминлади, миллат учун жонини фидо этадиган буюк фарзандларини етиштирди.

Тарихимизда шундай замонлар ҳам бўлдики, бу бирлик бузилди, гуллаб-яшнаётган Ватан ўзлиши англашдан йироқ турган шаксий манфаатпараст «етакчилар» ўртасидаги ички зиддиятлар туфайли таназзулга юз тутди (хонликлар даври). Мамлака парчаланди. Парчаланган юрт осонгина бошқалар асоратига тушиб қолди. Бу тарихий аччиқ ҳақиқатни билмасдан, тарихий воқеа ва ҳодисаларни таҳлил этмасдан, у ҳақда ёш авлодга тарихий билим ва тарбия бермасдан халқ онгида миллий ўзлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мумкин эмас. Шундай экан, мустақил Ўзбекистон таълим тизимида Ватан тарихини муфассал, асосий фан сифатида ўқитиш бугунги ҳаётимизнинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолиши давр тақозосидир.

1917 йилги октябрь тунтаришидан сўнг ўзбек халқи Марказий Осиёнинг бошқа миллат ва элатлари сингари озодликка чиқдим, деб ўзини овутди. Чоризм мустамлакачилигининг янги мазмунда, янги шаклда, болшевиизм руҳияти асосида суғорилган байналмилалчилик байроғи остида давом этаётганлигини пайқаганларнинг эса ҳоли оғир кечди. Бундай Ватан фарзандлари миллий давлат мустақиллиги роялари йўлида қурбон бўлдилар, ўз ватанида уларнинг пешонасига «босмачилар», «халқ душмани», «ватан хоини» тамғалари ёпиштирилди.

Ватан тарихидан беҳабарлик ва уни билмаслик, миллий урф-одатлар ва қадриятлардан узоқлашиш оқибатида жамиятимизда авлоднинг айрим вакиллари шаклландики, уларда миллий онг, миллий виждон барҳам топа бошлади, истиклол тафаккури, миллий ўзлик тушунчаси сўна бошлади. Уларнинг онгида Ватан — Ўзбекистон тақдирига, ўзбек миллати тақдирига, она тилимиз, динимиз, маданиятимиз ва тарихимиз тақдирига лоқайдлик, бефарқлик муносабатлари қарор топди. Бундай шахслар она тили, Ватан тарихи, миллий қадрият ва миллий истиклол деган тушунчаларни тасаввур қила олмаслик даражасига бориб етдилар.

Бундай ғоя, қараш ва тушунчаларга барҳам бермасдан, жамиятимиз барча фуқароларида миллий онг тушунчаси ва тафаккури машъалини ёқмасдан ва шу асосда оташин ватанпарварлик ғояларини шакллантирмасдан туриб Ўзбекистонимизнинг миллий давлат мустақиллигини таъминлаш ниҳоятда мушкул. Бунинг учун, энг аввало, жафокаш халқимизнинг ҳақиқий ва том маънодаги бой тарихини яратмоқ лозим, токи мустақил Ўзбекистон ёшлари ўз Ватани тарихини ўқиб, ўрганиб, узларининг қайси қавм, элат ва миллатга мансуб эканликларини билсинлар, ота-боболарининг ўтмиш тарихи билан фахрлансинлар, сабоқ олсинлар, уларнинг улук ва ибратли йўлларини муносиб давом эттирувчилар бўлиб етишсинлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ватан тарихининг ёшлар тарбиясидаги ўрнига алоҳида эътибор бериб: «Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди», деб таъкидлаган эди. Ўзбекистон жамоатчилиги олдида икки вазифа кўндаланг қилиб қўйилган. Биринчидан, юқори илмий услубий асосда Ватан тарихини ёзиб, чоп этиш бўлса, иккинчидан, ёш авлодни оташин ва буюк ватанпарвар, ҳар томонлама баркамол бўлган инсонлар қилиб тарбиялашдир. Бу бир-бирига мантқан ва узвий боғлиқ вазифалар нечоғлиқ муваффақиятли ҳал қилинса, Ўзбекистонимизнинг миллий давлат мустақиллиги ҳам шу даражада мустаҳкамланган ва таъминланган бўлади.

Ўзбекистон тарихи фани халқ маорифи тизимининг барча тармоқларида ўзининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва мавқеига кўра асосий ва етакчи фандир. Шу боисдан ҳам бу фан Ватан тарихининг ибтидоси ўлкашунослик эканлигини эътиборга олган ҳолда умумтаълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг барча мутахассисликларида, қайси касб-ҳунарни эгаллашдан қатъий назар, бир хил ҳажмдаги соатларда ўқитилади. Бу Ўзбекистон тарихи фани олдида қўйилган жиддий ва олижаноб вазифалар билан бевосита боғлиқдир.

Бунда:

Биринчидан, Ўзбекистон тарихи фани ёш авлод онгида сиёсий, назарий-илмий дунёқарашни шакллантириши, воқеа ва ҳодисаларга тарихий нуқтаи назардан ёндошадиган ҳар томонлама етук, баркамол инсонни тарбиялаши лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистон тарихи мустақил Ўзбекистон ёшлари онгида миллий виждонни уйғотиб, унинг шаклланишига кўмаклашади. Ёшлар аждодларимизнинг тараққиёт йўлини, тарихий тажрибаларини ўқиб-ўрганганларидагина уларда истиқлол тафаккури, ҳозирги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий турмушни ўтмиш билан қиёслаш ва келажакка назар солиш туйғуси шаклланади.

Учинчидан, Ўзбекистон тарихи фани ёшларимизни Она Ватанга меҳр-садоқат ҳамда ҳарбий ватанпарварлик анъаналари руҳида тарбиялаш воситасидир.

Туртинчидан, Ўзбекистон тарихи ёшларимизни байналмилалчилик руҳида тарбиялаш қуролидир. Ёшларимиз бу фанни ўқиш, ўрганиш ва мутолаа қилиш жараёнида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас таркибий қисми ва бир бўлаги эканлигини тушуниб оладилар, ўзбек халқи ва буюк алломаларимиз, фан ва маданият арбобларимизнинг жаҳон тараққиёти

ва цивилизациясига қўшаётган муносиб ҳиссаси билан қонуний суратда фахрланадилар.

Бешинчидан, Ўзбекистон тарихи фани ёш авлодни улуғ халқимизнинг миллий қадриятлари ва ахлокий фазилатлари: ҳалоллик, поклик, одиллик, адолатлилик, инсонпарварлик, ростғўйлик, меҳнатсеварлик ва камтаринлик, иймон ва эътиқодлилик руҳида тарбияламоғи, Ватан ва халқ олдидаги бурчга садоқатни қарор топтирмоғи даркор.

Ўзбекистон тарихи фанини яратиш ва уни ёш авлодга ўқитиш ҳамда ўрганиш бўйича бирдан-бир тўғри назарий, илмий ва услубий асосларни ишлаб чиқиш нафакат тарихий, балки амалий, ҳаётӣ аҳамиятга ҳам эга. Ўзбекистон тарихи фани ёшларимизнинг ғоявий-сиёсий дунёқарашни шакллантиришда ўзининг қонуний миссиясини бажармоғи учун қўйидаги назарий-илмий ва услубий асосладига сўянмоғи керак бўлади.

Биринчидан, Ўзбекистон тарихини ёритиш, ўқитиш ва ўрганиш жараёнида чуқур илмийлик, холислик, тарихийлик, хронологик изчиллик, тарих ҳақиқатининг устиворлиги асосий ва бош йўналиш бўлиши лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш жараёнида ёшларда тарихий билимлар, тасаввур, тушунча, илмий-назарий ёндошиш шаклланиши лозим.

Учинчидан, Ўзбекистон тарихи бошидан охирига қадар асосий ғоя — ватанпарварлик, байналмилаллик, инсонийлик қаби фазилатларга қаратилмоғи керак.

Туртинчидан, Ўзбекистон тарихининг ҳар бир сатри, ҳар бир саҳифаси умумбашарий ва миллий қадриятлар устиворлигига ва умуман, тарихга ҳурмат, эътибор руҳи билан суғорилган бўлиши ҳамда бошдан оёқ миллий тикланиш тафаккурининг қамол топишига хизмат қилиши лозим.

Бешинчидан, Ўзбекистон тарихи фани республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, давр ва замон билан ҳамнафас бўлмоғи шарт.

Олтинчидан, Ўзбекистон тарихи фанини шакллантиришда, воқеа-ҳодисаларни ёритишда, ўқувчилар ва талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш таъмоийлларига амал қилиш лозимдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 2002.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизлик, тақдид, тараққиёт шартлари қафолатлари. Тошкент, 1997.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1999.
4. Илалов И.Н. Тарихий тадқиқот методлари ва методологияси. Маърузалар матни. Самарканд. 2009.

Саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги тарих фани олдига қандай вазибалар қўйди?
2. Тарихни янгича ёзиш ва ўрганиш нималардан иборат?
3. Янги Ўзбекистон тарихи ёшлар онгида нималарни уйғотиб қандай шаклланиши лозим?
4. Тарихий билимнарға қандай қилиб иришиш мумкин?

Мавзу: Тарих фанини ўқитишда бугунги давр асослари.

Режа:

1. Президент И.А. Каримов асарларидан методологик асосда фойдаланиш.
2. Замонавий маърузаларнинг даражаси туғрисида.
3. Талабаларнинг илмий ва сиёсий билимларни такомиллаштириш усуллари.

Таянч иборалар: мустақил, фикр, воқеалар, тарихий, таҳлил қилиш, хулосалар, умумлаштириш.

Ўз истиқлолига эришган халқининг маънавия ва маърифий ҳаётида Ўзбекистон халқлари тарихи ёшларимизга таълим-тарбия асосларини давр талаби натижасида олиб боришда алоҳида аҳамият касб этади. Президент И. А. Каримов ўзининг 1997-йил 29-августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида сўзлаган нутқида алоҳида қайд этиб ўтганларидек дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак.

Ўқитувчининг бош вазифаси талабаларда мустақил фикр юритиш намуналарини қилишдан иборат эканлиги кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда тажрибамизда унга риоя қиламиз.

1. Илмий - услубий ва диктант йўллари юқори савияда ишлаб чиқиш. Бунда ўзбек халқининг ва Республика ҳудудида яшовчи бошқа халқларнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси таълим-тарбия тизимига ўзвий равишда қиритилиш зарур. Мутахассис фанларни ўқитиш деганда фақатгина ўқитувчини воқеалар тўғрисидаги маърузасини тинглаш-у, келгуси дарсида уни талабаларда сўраш эмас, балки махсус мустақил фикрлаш ва тарихий воқеаларни таҳлил қилиш, урганилаётган тарихий материал асосида хулосалар чиқариш ва уларни умумлаштириш, аниқ тарихий позициядан туриб тафаккур этиш, ўрганилаётган ҳамма мавзулар ва махсус фаннинг етакчи ғояларни онгли равишда мустаҳкам ўзлаштириб олиш, уларни тарихий депутат, Ислом Каримов асарлари, нутқлари матни ўстида мустақил ишлаб режалар ва конспект, хронологик, синхронологик жадваллар тузишга, уларни таҳлил этишга, маърузалар тайёрлашга, тарихий хариталар билан ишлаш ва тўғри тарихий мулжал олишга кунт билан ўргатиш мазмунини олади.

Замонавий лекцияга бўлган талаб нима билан белгиланади:

Биринчидан, маърузада замонавий концепциялар, тарих таълимини давр талаби даражасида кўтариш усуллари ва муҳим вазифалар бўлмоғи керак.

Иккинчидан, тарих таълими талабалари билим билан қуроллантириб, ўтмишда ва бугунги кунимизда. Содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни тўғри баҳолаш ва хулосалар чиқариш, талабаларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга еришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак.¹

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон ўз истққлол ва таракқиёт йўли . «Ўзбекистон» 1992, 22-бет.

Худди шу нарсa давлатимиз ва халқимиз раvнақ топишининг асосий шартидир деган қатий хулосага олиб келсин.

Учинчидан, ота - боболаримизнинг бизга мерос етиб қолдирган илмий, ғоявий, тарихий езуғуликларидан кенг фойдаланиш ва амалиётда кулланиш.

Туртинчидан, тарихчи ўзининг илмий ва педагогик фаолиятида бугунги кунда илмий билимларининг тез суратларда усиб бораётганлигини албатта ҳисобга олмаш керак. Илмий техника инқилоби даврида талабалар ўз билимларини мустақил ҳолда узлуксиз такомиллаштириб боришлари илмий ва сиёсий ахборотлар оқимидан тўғри хулоса чиқаришга еришмоклари лозим. Булар ҳаммаси суссиз талабаларни ҳар томонлама ривожланишига, дунё қарашлари қуламини кенгайишга олиб келмоқда. Талаба ўз уйида телевидение, «сунни йўлдош», орқали, ёки кинотеатрда тарихий мавзудаги асарни томоша қилиб, унинг мазмуни билан чуқур танишишга мувофик бўлгани ҳолда ўқитувчи лекция жаранида битта китоб билангина чегараланаётган бўлса, у ҳолда талабага мазкур учун ҳеч қандай қизиқиш пайдо бўлмайди. Анна шундай шароитдан чиқиб кетиш учун ўқитувчи тарих талимида эмоционал маҳоратини ошириб бориб, талабаларни мавзунинг мазмунига ҳар томонлама бўлган қизиқишларини ошириб бориб, мустаҳкамлаш керак. Диффиринциация усулини куллаб, бир вақтда маърузани талабаларга тушунтириш билан, иккинчи томондан ҳар бир талабанинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда унга индивидуал ёндошишга ҳаракат қилиши лозим.

Лекция жараёнида талабалар фаолиятларига диффиринциал ёндошиш қандай назорат қилинса, уларни ўқитувчи томонидан берилган вазифаларни бажаришларини назорат етиш ҳам ўша усулда амалга ошириб боришмоғи керак. Шунини алоҳида тақидлаб ўтиш лозимки, «Тарихий тадқиқот методлари ва методологияси» фанидан маъруза ва семинар машғулотлари мазмуни мустақил Ўзбекистон Республикасининг талаб ёшлар орасида олиб бориладиган мафқуравий ишлар вазифаларига мос келиши, тарих фанини ўрганишнинг турмуш билан алоқасини боғланганлигида, Ўзбекистонинг келажаги буюк давлат бўлишини - назарий ва амалий ишлар билан боғлаб олиб боришга йўналтирилган бўлмоғи керак. Ўқитувчи домла маърузаларнинг самардорлигини ошириб бориш учун тарих фанининг ривожланиб боришини системали равишда ўрганиб бормоғи керак. Айниқса тарихдан чоп этилаётган янги асарлар маъзмуни билан таништириб бориш талабаларда тарих фанини ўрганишга бўлган қизиқишларини янада усишга олиб келади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1992.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1999.
3. Съадиев А. Тарихий- ўқитиш методикаси. Т., 1992.
4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 50 йиллиги. Т., 1993.
5. Илалов И.Н. Тарихий тадқиқот методлари ва методологияси. Маърузалар матни. Самарканд. 2009.

Саволлар:

1. Ўқитувчининг бош вазифаси нимадан иборат?
2. Замонавий маърузага қандай талабалр қўйилган?
3. Дифференциация усули тушунтириб беринг?
4. Тарих фанига қўйилган талабалар?

Мавзу: Замоनावий таълимнинг эффектив усуллари.

Режа:

1. Жадваллаштирилган маъруза.
2. Фикр олмашиш.
3. «Кластер» усулидан фойдаланиш.
4. Венн диаграммаси.
5. Концептуал жадвал. Биргаликда ишлаш муносараси.

Таянч иборалар: мини-лекция, фикр, олиши, «кластер», «ротация», «рафт», «инсерт».

«Мини-лекция» Вариант 1.

Мини-лекция замоनावий таълимнинг эффектив усулларида бири хисобланади. Амал қилиш механизми қўйидагича: ўқитувчи 10-20 минут ичида маъруза ўқийди. Талабалар диққат билан қулоқ солишади. Маъруза ўқиб бўлганидан сўнг, ўқитувчи талабаларга 3-5 минут вақт бериб маърузанинг асосий мазмунини тезис шаклида конспект қилишга имкон беради. Конспект тузиш жараёнида талабалар ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида ўқитувчига ёки бир-бирларига саволлар беришлари мумкин.

«Мини-лекция» Вариант 2

Бу усул юқорида кўрсатилган стратегиянинг бошқача кўриниши хисобланади. Мазмуни қўйидагича:

10-20 минут давомида ўқитувчи маърузани ўқийди. Талабалар диққат билан қулоқ солиб, қисқа конспект ёзиб боришади. Маъруза тугагандан кейин ўқитувчи талабаларга 3-5 минут вақт беради ва бу вақт ичида талабалар, жуфтликларга бўлиниб, бир-бири билан конспектларини алмашиб, ўқиб чиқишади ва мулоҳазалари билан ўртоқлашади. Ноаниқликлар, хатолар тузатилади.

Ўқитувчига ҳам савол беришлари мумкин.

Жадаллаштирилган маъруза

Маъруза жараёнида ўқитувчи маърузанинг анъанавий шаклини талабаларни фаол ўқитиш ва танқидий фикрлашга қизиқтириш учун ўзгартиради. Натижада жадаллаштирилган маърузанинг шакли вужудга келади.

Тайёргарлик босқичи (чақирик). Ўқитувчи машғулот бошланишида тингловчилар фикрини ўтиладиган материалга тўплайдиган топширик беради. 3-5 дақиқа давомида мавзу бўйича талабаларга олдиндан маълум бўлган билимларни таҳлил қилиб, уларни рўйхат кўринишида ёзишни таклиф қилади. Муддат ўтгандан кейин ўқитувчи талабалардан ўз ғоялари билан ўртоқлашишни сўрайди ва уларни ихчам шаклда доскага ёзиб чиқади. Талабалар ёрдамида тўпланган ғояларни категорияларга бўлиш мумкин. Шундай сўнг, ўқитувчи 10-20 дақиқа давомида маърузанинг 1-чи қисмини ўқийди (англаш). Маърузанинг биринчи қисмидан сўнг, ўқитувчи талабаларга ўзларининг ғояларини маърузадан эшитганлари билан таккослашни сўрайди (фикрлаш).

Кейинги тайёргарлик фаолияти (чақирик). Энди ўқитувчи талабаларга жуфтликда ишлаб, уларнинг олдинги билимларини аниқлаш ва бу билан маърузанинг кейинги қисмини эшитиш мақсадини белгиловчи қисқа топшириқлар беради. Маърузанинг давоми - англаш ва фикрлашни ўз ичига олган цикл қайтариш.

Яқуний топшириқ (фикрлаш). Бу топшириқ турли шаклларда берилиши мумкин. Масалан: 10 дақиқали эссе; 5 дақиқали эссе; маърузада келтирилган энг муҳим жиҳатларга тегишли очик саволга жавоб беришларини сўраш.

Ақлий хужум

Ақлий хужум стратегияси универсал услуб бўлиб, унинг вазифаси янги ғояларни яратишдир. Ақлий хужум муаммони ҳал қилаётган кишиларнинг купроқ ақл бовар қилмайдиган ва хатто фантастик ғояларни яратишга ундайди. Ғоялар қанча кўп бўлса, уларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси айтиш мумкин. Бу стратегияни қўллашда ўқитувчи ёзув тахтасида саволни ёзади ва талабалардан берилган фикрларини (жавоблари) ёзиб боради. Аудиторияда айтилган барча ғояларни ёзув тахтасида ёзиш пайтида ўқитувчи ғояларга изоҳ бермайди, фикрлар саволга боғлиқ ҳолда айтилади. Асосий қоидалардан бири, ҳар қандай ғояни айтиш мумкин, фикр ҳеч қандай чекловларсиз иложи борида қаттиқроқ айтилиши лозим.

Ақлий хужумни маърузаларда - яқка тартибда ёки жуфтликда, амалий машғулотларда эса 4-7 кишидан иборат кичик гуруҳларда ҳам ўтказиш мумкин. Ушбу стратегия машғулотларда талабалар фаоллигини оширишга, чарчоқни йўқотишга, ғояни излашга шароит яратади.

Таянч сўзлар бўйича чақирик.

У ёки бу мавзу бўйича билимларни тиклаш усулларида бири «Таянч» сўзлар бўйича чақирик педагогик стратегия ҳисобланади. Уни амалга ошириш учун талабаларга 3-5 таянч сўзлар берилади. Талабалар шу сўзлар ўртасидаги мантикий боғланишнинг ўз вариантларини таклиф этишади. Бу мантикий боғланиш 3 дақиқали эсседа ёритилиши мумкин.

Уйланг (Жуфтликда ишланг) Фикр алмашинг

Бу анча жадаллик билан бажариладиган биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни ахборот устида фикрлашга ва ўз фикрларини шериклар ёрдамида - аниқ шаклга киритишга йўналтиради. Ўқитувчи одатда «очик», узок фикрлашга ундайдиган саволни олдиндан тайёрлаб қўяди ва айрим талабалардан қисқа жавоблар ёзишни сўрайди. Сўнгра, талабалар жуфтликларга бўлиниб, бир-бирлари билан ўз мулохазаларини ўртоқлашадилар ва иккала фикрни ўз ичига олган ягона жавобни тайёрлашга ўринадилар ва ниҳоят, ўқитувчи бир неча жуфтликдан (вақт етишига боғлиқ ҳолда) ўттиз секунд ичида аудиторияга ўз ишини қисқача яқунини баён этиб беришни сўрайди.

«Кластер»

«Кластер» сўзи ғунча, боғлан маъносини англатади. Кластерларга ажратишни даъват, англаш ва мулоҳаза қилиш босқичларидаги фикрлашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. У асосан янги фикрларни ўйғотиш, мавжуд билимларни руёбга чиқаришга қаратилган стратегия бўлиб, муайян мавзу бўйича янги фикр юритишга чорлайди.

Бирор мавзуни ўрганишни бошлаш пайтида кластерлар тузишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кластер тузиш кетма-кетлиги:

- Синф ёзув тахтаси ўртасидаги катта қоғоз варағига «калит» сўзи ёки сўз бирикмасини ёзинг.

- Сизни фикрингизча, бу мавзуга тегишли бўлган сўзлар ёки сўз бирикмасини ёзиб чиқинг.

- Тушунча ва ғоялар ўртасидаги ўзаро боғланишларни кўрсатинг.

- Эсланган вариантларингизнинг ҳаммасини ёзинг.

Кластер тузишда гуруҳдаги барча талабаларнинг иштирок этиши, шу гуруҳ учун ғоялар ўзаги бўлиб хизмат қилади.

Венн диаграммаси

Ахборотни график асосда ташкил қилишнинг бу шакли умумий ва фарк қиладиган тамонларга эга бўлган икки ёки уч мавзуни таккослаш жараёнида ишлатилади. Чап доира бир мавзунинг ўзига хос бўлган томонлари, унғ доирада иккинчи мавзунинг ўзига хос томонлари ёзиб чиқилади. Доираларнинг туташган жойларидан эса иккала мавзунинг умумий томонларини кўрсатиш учун фойдаланилади.

Венн диаграммаси устида ишлаш жараёнини қўйидагича амалга ошириш тавсия этилади:

1. Ақлий хужум ёрдамида таккослашнинг асосий параметрларини аниқлашдир.

2. Венн диаграммаси устида ишлаш.

3. Таккослаш натижаларининг презентацияси.

Бу кўринишдаги интерактив иш талабаларнинг актив иштирокида бажарилиб, аналитик фикрлаш кўникмаларни ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Концептуал жадвал

Концептуал жадвал - материални уюштиришнинг самарали усуллардан ҳисобланади. Иккита ва ундан кўп жиҳатлар ёки саволларни таккослаш таказо этилганда ушбу усул айниқса фойдали бўлади. Жадвал қуйидагича тузилади: жадвалнинг вертикал устунларида таккосланадиган нарсалар, горизонтал каторларда эса ушбу таққосланадиган нарсаларнинг турли хусусият ва хоссалари ёзиб чиқилади. Бу усулдан маърузани ўқиш жараёнида, семинар машғулотлар ўтказишда, ҳамда мустақил таълим жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

Биламан (Билишни хоҳлайман) Билиб олдим

Ушбу стратегия жадвал ёрдамида матн мазмунини тушунтиришга қаратилган. Ўқиш жараёнида талаба ахборотни ўзи учун нақадар аҳамиятли эканлигини аниқлайди ва янги билимларга эга бўлади.

Биламан (Билишни хоҳлайман) Билиб олдим жадвали ёзув тахтасига ёки (катта қоғозга) тайёрланади:

Биламан (Билишни хоҳлайман) Билиб олдим жадвали

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
1.		
2.		
3.		

4.		
----	--	--

1. Ўқитувчи матн мавзуси бўйича савол беради ва жуфтликларда ёки кичик гуруҳларда аклий хужум ўтказди.
2. Аклий хужум натижасида пайдо бўлган ғояларни "Биламан" устунига ёзиб чиқади.
3. Параллел равишда пайдо бўлаётган саволларни "Билишни хоҳлайман" устунига тулдиради.
4. Талабалар матнни ўқийдилар ва қўйилган саволларга жавоб излайдилар.
5. Ўқитувчи талабалардан қўйилган саволларга жавобларни топган ёки тополмаганлигини аниқлаб, топилган жавобларни "Билиб олдим" устунига ёзиб чиқади.
6. Ўқитувчи талабалардан қўйилган саволдан ташқари, яна қандай янги маълумотларини билишларини аниқлаб, бу жавобларни ҳам "Билиб олдим" устунига ёзиб чиқади.
7. "Биламан" устунига ёзилган ғоялар қанчалик тўғри эканлигини талабалар билан муҳокама қилади.
8. Жавобсиз қолган саволларга эътибор бериш керак. Бу саволларга жавобларни талабалар қаердан олишлари мумкинлигини муҳокама қилиниши даркор.

Ушбу стратегия талабаларнинг фикрлаш қобилиятини активлаштиради, ахборотлар билан мустақил ишлаш куникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради, ахборотни қисқа ва лўнда шаклда ёзма равишда ифода этиб бериш куникмаларини ҳосил этади.

P.S. Биз ушбу стратегияни маъруза ўқиш жараёнида мувоффақият билан қўллаймиз. Матн ўқиш ўрнига талабалар маърузани тинглайдилар.

«Биргаликда излаш» мунозараси

Ўқитувчи мавзунинг мазмуни бўйича 4-5 савол тайёрлайди ва бу саволлар бўйича талабаларнинг мулоҳазаларини эшитиш хоҳиши борлигини айтади. Ўқитувчи саволларни ёзув тахтасида ёзади. Ҳар бир талаба уни дафтарига ёзиб олади (бу иш атайлаб қилинади, жараён секинлашиб, талабага жавоб устида ўйлашга имкон туғилади). Талабаларга 2 дақиқа жавоб устида ўйлашга муддат берилади. Кейин талабалар жавоб беришади, яъни муҳокама бошланади. Муҳокама жараёнида ўқитувчи бир нечта ишларни бажаради: «Жойлар харитаси»ни тузади - ҳар бир талабанинг жавобини унинг номи остига қисқача ёзиб қўяди. Мунозара давомида талабаларнинг фикрларини кузатиш, ким қатнашганлиги ва ким иштирок этмаганлигини белгилаш, ҳамда талабалар жавобларига ҳурмат билдириш катта аҳамиятга эга.

Ушбу стратегия талабалар орасида фикр алмашишни ҳам рағбатлантиради. Агар иштирокчилардан бири А жавобини берса, иккинчиси Б жавобини берса, ўқитувчи учинчи кишидан улардан қайси бирига кушилишини ва нима учунлигини сўраши мумкин. Ёки Б талаба ўз жавобини А талабага қаратишини сўраши мумкин: уларнинг келишмовчиликлари нимада ва нима билан боғлиқ? Талабалардан ўз жавобларини тушунтиришни

ёки исботлашни сўрайди. Агар талаба бирор нарсани айтса, у дарҳол равшан ёки ҳақиқатга тўғри эканлиги аниқ бўлса, ундан нима кўзда тутилганлигини тушунтиришни сўрайди. Саволларга ўзи жавоб бермайди ва бир жавобни иккинчи жавобдан устун қўйишни айтмайди. Ўқитувчи саволларга «авторитар» талкин бериш иштиёқидан ўзини тийиши керак. Бу ерда талабаларнинг эркин, пухта ўйланган фикрларни олиш мақсади кутилади.

Ўз далилларини вақти-вақти билан кўриб чиқади. Мунозара тугагач, мунозарачилар ёзган шарҳларини овоз чиқариб ўқиб берадилар. Ўқитувчи ким яна қўшимча қилишни хоҳлайди, деб сўрайди. Талабаларнинг мунозара жараёнида берган саволларини диққат билан тинглайди, улар орасида яхшилари бўлиши мумкин. Талаба берган савол мунозарани тўғри йўлга бошлаганини ўқитувчи ҳис этса, уни ёзиб олади ва керакли пайтда умумий мунозарани ундан бошлайди. Биринчи савол муҳокама қилингандан сўнг, қолган саволлар шу усул билан муҳокама қилинади.

Кичик гуруҳларда ишлаш

Кичик гуруҳларда ишлаш замонавий таълим жараёнининг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади.

Талабалар биргаликда қарорлар қабул қилишади, биргаликда турли-туман манбалардан билим олишни ўрганишади, ғоялар ва ахборотларни ижодий бириктириш кўникмаларини ҳосил қилишади, биргаликда турли масалалар ечимини топишга ҳаракат қилишади. Бундай таълим жараёнида улар бир-бирларини фикрларини ҳурмат қилишга, ўз фикрларини ҳимоя қилиб, етказишга, ҳз гуруҳи учун жавобгарлик ҳиссиётини шакллантиришга мувофиқ бўладилар.

Кичик гуруҳларнинг шакли: ёки жуфтликлар, ёки уч кўпи билан олти, етти талабалардан иборат бўлган бирикма.

«Стол ўртасидаги ручка»

Талабалар кичик гуруҳларга бўлиниб (уч кишидан етти кишигача), ўз гуруҳларида ғоя алмашишни бошлайдилар. Ҳар ким ўз ручка ёки каламини столни ўртасига қўйиб, бу билан муҳоқамага ўз-ҳиссасини қўшганлигини билдиради.

Гуруҳ иштирокчиларининг ҳаммаси ручкаларини столнинг ўртасига қўймагунга, ҳеч ким ўзининг бошқа ғояларини баён эта олмайди.

Бу усул ўқитувчидан катта маҳоратни талаб этади. Ўқитувчи гуруҳлар муҳокамасини диктат билан кузатиб боради, натижаларини ёзади.

Муҳокама тутаган ўқитувчи столнинг устидан ҳоҳлаган ручкани олиб, у қандай «ҳисса» қўшганлиги тўғрисида сўраши мумкин.

Охирида ўқитувчи гуруҳлар муҳокамаларини баҳолайди ва масалага яқун ясайди.

Бу усул гуруҳ аъзоларининг масала муҳокамасига тенг ҳисса қўшиш имкониятларига эга эканликларини исботлайди. Бундай мунозараларда ҳеч ким устунлик қила олмайди. Бошқаларнинг фикрларини ҳурмат қилишга ўргатади.

«Ротация йўли билан фикр алмашиш»

1. Ўқитувчи олдиндан саҳифаланган қогоз варақаларида бир нечта саволларни (5-8) ёзиб чиқади ва аудиториянинг деворларига осиб чиқади.

2. Гуруҳ саволларнинг сонига қараб кичик гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир кичик гуруҳга биттадан савол берилади.

3. Гуруҳ иштирокчилари 4-5 минут давомида саволни муҳокама этишади ва жавобни варақаларга ёзишади.

4. Гуруҳлар ўқитувчининг руҳсати билан кейинги варақа томон силжийдилар. Савол ва жавобни ўқиб, ўз мулоҳазаларини қўшиб ёзадилар.

5. Ўқитувчи сигнал бериб гуруҳларнинг кейинги варақаларга томон силжишга даъват этади. Бу жараён то гуруҳлар ўз рақамлари олдида қайтмагунларига қадар давом этади.

6. Гуруҳлар варақалардаги мулоҳазалар билан танишиб, уларни муҳокама қилишади.

Бу педогогик стратегия ёрдамида талабаларнинг ўз фикрларини қисқа ва лўнда баён этишига, бошқаларнинг фикрларини инобатга олишга, жавобгарлик ҳиссиётига эга бўлишга ва бошқа коммуникатив қўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради.

РАФТ

Бу стратегиянинг номи тўртта сўзнинг бош ҳарфларидан олинган бўлиб, улар русча рол, аудитория, форма (шакл), тема (мавзу), сўзларидан иборат.

Муҳокамага тавсия этиладиган мавзунинг ўқитувчи доскада ёзади ва талабаларга бу мавзу тўғрисида ёзишлари мумкин бўлган шахслар ҳақидада ўйлаб қўришларини таклиф қилади. Талабалар таклиф қилган ролларни синф тахтасида ёзади (ақлий ҳужум ёрдамида). Талабалар ўзлари учун ҳар хил ролларни танлаб оладилар. Шундан кейин талабалар танлаган ролларга қараб гуруҳларга бўлинадилар.

Талабаларнинг ҳар бири уларнинг "ёзувчиси" мурожаат қилиши мумкин бўлган аудиторияни тақдим этади. Уларни ҳам синф тахтасида ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Кейин талабалардан ҳар бири ўзининг роли ва ёзадиган ишининг шакли устида ўйлаб қўриш таклиф этилади. Талабалар бир - бирларининг фикрларини ривожлантириш мақсадида мавзунинг овоз чиқариб муҳокама қилишлари лозим.

Талабаларга ёзма иш учун 15-20 минут вақт берилади. Кейин ҳар бир гуруҳда талабалар ўз ишларини ўқиб берадилар ёки ҳар гуруҳдан бир талаба ўқиб беради. Ёзма ишларни деборга илиб қўйишларини тавсия этиш мумкин.

Чиқиш қоғози

Агар мунозарага вақт етишмаса, талабалар ўзларининг мулоҳазаларини қоғозга уч банд бўйича ёзадилар:

Дарснинг энг муҳим қисми	Дарс мавзуси бўйича бир савол	Дарс материали бўйича умумий шарҳ
1.	1	1
2.		
3.		

Бу вазифа талабаларда мавзу бўйича олган билимларини умумлаштириб, қисқа ва лўнда баён этиш, савол бериш кўникмаларини ҳосил қилишга ўргатади.

Юқорида келтирилган педагогик стратегиялардан ташкари «Талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилишга ёрдам берадиган педагогик стратегиялар» бўлимида кўрсатилган ИНСЕРТ, Синквейн ва икки қисмли кундалик усулларида унумли фойдаланиш мумкин.

Эссе

Ёзма топшириқнинг ушбу тури талабаларга ўрганилаётган мавзуга доир ўз билимлари бўйича хулоса қилишга ёрдам бериш ва ўқитувчига ўз талабалари нималарни ўйлаши хусусида маълумот олиш мақсадида қўлланилади. Лўнда қилиб айтганда талабалардан қўйидаги икки топшириқни бажариш сўралади, яъни мазкур мавзу бўйича улар нималарни ўрганганларини ёзиш ва жавобини топа олмаган битта савол бериш. Ўқитувчи дарҳол ёзма ишларни йиғиштириб олади. Кейинчалик ёзма ишларда берилган таклифлардан дарсни режалаштиришда фойдаланиши мумкин.

ИНСЕРТ

Кўп инсонлар ўқиш жараёнида шундай ҳолатга дуч келишади: китобни бетини охиригача ўқишади. Лекин нима ўқиганларини ҳеч эслай олишмайди. Бу инсон ўқиганда нима ўқиганлигини тушунмаслиги, ўқиш жараёнида фаол иштирок этмаслигининг мисолидир. Бундай пассив ўқишни бартараф этиш йўлларида бири - ИНСЕРТ.

Ушбу стратегия ўқиш жараёнида интерактив белгилар тизими ёрдамида талабалар ўз тушунишларини кузатиб боришларига қаратилган.

Белгилар қўйидагича бўлиши керак:

«V» - (ҳа) деган белгини билдиради, ўқиётганларингизни аниқ билганингиз ёки биламан деб уйлаганларингиз четига қўйилади;

«-» - «манфий» - ўқиётганларингиз билганингиз ёки биламан деб уйлаганларингизга зид бўлса, шу белги қўйилади;

«+» - «мусбат» - ўқиётганларингиз сиз учун янги бўлса, шу белги қўйилади:

«?» - «сўроқ» - деган белгини ўқиганларингиз сиз учун тушунарсиз бўлса ёки шу саволга доир батафсилроқ маълумотларни олишни хоҳлашингизни билдиради.

Ҳар бир сатр ёки таклиф этилган фикрни белгилаш керак эмас. Ушбу белгилар ёрдамида маълумот тўғрисида умумий тасвир акс этилса қифоя бўлади.

Ахборотни мукамалроқ тушуниш учун ИНСЕРТ жадвалини тузиш тавсия этилади. Унда олинган ахборот тоифаларга бўлинади.

ИНСЕРТ жадвали

V	-	+	?

Бу стратегия ёрдамида талабаларга индивидуал билимларни кузатиш, ахборотни диққат билан ўқишни фаоллаштириш, мавзуни яна ҳам чуқурроқ ўрганиш каби имкониятларни яратиб беради.

Икки қисмли кундалик.

Икки қисмли кундаликлар талабаларга матн мазмунини ўз шахсий тажрибаси билан чамбарчас боғлаш ўзининг табиий кизикувчанлигини қондириш имкониятини беради. Айниқса, талабалар қандайдир катта матнни уйда, ўқув аудиториясидан ташқарида ўқиб чиқиш топширигини олишганида икки қисмли кундаликлар фойдалидир.

Икки қисмли кундалик учун талабалар тоза қоғознинг ўртасидан тик чизик ўтказиб, уни икки қисмга бўлишлари керак. Қоғознинг чап томонига матннинг қайси қисми уларга энг кўп таасурот қолдирганини қайд этишади. Эҳтимол, қандайдир хотирани уйғотар ёки уларнинг ўз ҳаётларида юз берган воқеаларни эсга туширар. Балким шунчаки таажубга солар. Ёхуд уларнинг қалбида кескин норозилик ҳиссини уйғотар. Унг томонида улар шу фикрга шарҳ беришлари керак: айти шу цитатани ёзишга уларни нима мажбур этди? Уларда қандай фикрлар уйғонди? Қисқаси, матнни ўқир экан, талабалар вақти-вақти билан тухташлари ва ўзларининг кўшалок кундаликларида шундай белгилар қўйиб боришлари керак.

Икки қисмли кундалик

Цитата	Шарҳ
1.	1.

Синквейн

Синквейн сўзи французчадан «беш қатор» деб таржима қилинади. Синквейн беш қатордан, иборат ўзига хос, қофиясиз шеър бўлиб, унда ўрганилаётган тушунча (ҳодиса, воқеа, мавзу) тўғрисида ахборот йиғилган ҳолда, талаба сўзи билан турли вариантларда ва турли нуқтаи назарлар орқали ифодаланади. Синквейн тузиш мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир нечта сўзлар билан ифодалаш учун муҳим бўлган малакадир. Синквейн тузиш жараёни мавзуни яхшироқ англашга ёрдам беради.

Синквейн тузиш қоидаси:

1. Биринчи қаторда мавзу бир сўз ёки бир сўз бирикмаси билан ифодаланади (одатда от билан).
2. Иккинчи қаторда мавзу иккита сифат билан ифодаланади.
3. Учинчи қаторда мавзу доирасидаги ҳатти-ҳаракатларни унга сўз (феъллар) билан ифодалайди.
4. Тўртинчи қаторда мавзуга нисбатан муносабатни англатувчи ва тўртта сўздан иборат бўлган фикр ёзилади.
5. Бешинчи қаторда мавзу моҳиятини тақрорлайдиган, маъноси унга яқин бўлган битта сўз ёзилади.

Синквейн

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсагасида: ҳавфсизлик, тақдид, тараққиёт шартлари кафолатлари. Тошкент, 1997.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1999.
3. Илалов И.Н. Тарихий тадқиқот методлари ва методологияси. Маърузалар матни. Самарканд. 2009.

Саволлар:

1. Мини-лекция тушунчаси?
2. Тайёргарлик босқича нимадан иборат?
3. Вени диаграммаси устида қандай ишлаш керак?

Мавзу: Тарихий манбалардан фойдаланиш усуллари.

Режа:

1. Хужжатли тарихий манбалар.
2. Систематизацияланган манбалар.
3. Аввалги маданият воситаларини тикловчи манбалар.

Таянч иборалар: тарихий, билимлар, манбалар, изоҳдаш, аниқлаш, илмий, фалсафий.

Тарихни ўрганишда одамларга бундан ташқари китоблар, картиналар, маиший нарсалар ва ҳақозлар билим манбаи бўлиб хизмат қилади.

Англашилмовчилик бўлмаслиги учун «тарихий манбалар» ва «тарихий билим манбалари» тушунчалари орасидаги фарқни эслатиб ўтамиз.

Биринчиси бош хужжатли манбалар ҳисобланади, яъни тарихчи тарихий фактларни аниқлайди ва улар асосида текширади. Бу маънода у ўргатиш методини қўллайди. Биз буларни бош манбалар деб атаيمиз. «Тарихий билимлар манбаси» бу педагогик тушунча у биричидагидан кенроқ тушунча ва унга бош манбалардан ташқари билимлардан ташкил топган фанда қайта ишланган ва системалаштирилган, маданиятниакс эттирган манбалар ҳам қиради.

Магистратура талабалари учун тарихий билим манбалари бўлиб фореликлар, маърузалар матни (мутахассислик бўйича), фан бўйича ўқув қўлланманмалари ва бошқа ахборот ташувчилари: музейлар, хужжатли кинофильмлар, ёдгорликлар, газеталар ва журналлар, луғатлар ва шунга ўхшашлар хизмат қилади. Магистр улардан ўрганиш ва фойдаланиш жараёнида тарихий тадқиқот билимларин олади. Методик адабиётларда тарих соҳасида илмий (манбаи) одатда ташқи белгилари бўйича, яъни бизнинг сезги органларимизда якунланган, сезиш ахборотлари характери бўйича гуруҳланади. Матннинг оғзаки баёни ва аниқлилиги билан фарқ қилади. Бу катта гуруҳлар алоҳида бўлинади. Бундай оғзаки баённинг муфассал таснифи формаси услублар томонидан ишланган. Аниқлик (яққолик) воситалари эса томонидан ишланган.

Диссертация тайёрлашда турди манбаларнинг роли ва жойини аниқлаш, уларни танлаш ва услубий қўллашда бундай гуруҳлаш муҳим аҳамият касб этади. Илмий қайта ишланган маълумотлар материаллар билин ишлаш, хужжатлар билан ишлашдан фарқ қилади. Бунга кўра тарихий манбалар, билимларни қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Илмий қайта ишланган, соддалаштирилган (адаптациялаш), изоҳлаш чегараларидан чиқмайдиган хужжатли тарихий манбалар.

2. Маълум систематизацияланган, тушунтирилган ва далилари баҳоланган, илмий қайта ишланган билимлардан ташкил топган манбалар.

3. Аввалги маданият воситаларини тикловчи манбалар.

Баъзи тарихий билим манбалари гурҳлари ўз навбатида қандайдир тарихий билимларни ифодаладиган сўзлар, шартли белги, кўриш образи каби формалар бўйича бўлинади. Тарихий билим манбалари кўринишидан расмийлаштирилади, баъзи қўлланмалар характери бўйича ҳар хил манбалардан иборат бўлади. Масалан: дарсликка ҳар хил кўринишдаги матнлар ва тасвирий манбалар киради. Ўқитувчи шу билан бирга материалларни баён қилишда ҳар хил билим манбаларини тархӣй тадқиқт қўллайди, баён қилиш асосни қоида бўйича илмий қайта ишланган ва систематизацияланган билимлар ташкил қилади, аммо ўқитувчи балки унга тарихий ҳужжатлардан, бадиий асрлардан ва ҳақозолардан парчалар киритиш мумкин.

Манбалар билан ишлашиш учун уни расмийлаштиришнинг техник томонига, яъни экранлаштириш, деворий ва стол усти қўлланмаларнинг сифатли наشري, экспонатлар коллекцияси яшаш, қўлланмалар тайёрлаш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Бош манбалар тарихий фанларда кўп хил формалари фарқланади. Бош манбалар будаврни акс эттирадиган маълумотлар, улар ҳақида ҳиқоя қиладиган тил, кўпроқ унинг маъноси бўлиш услубига боғлиқ. Буларнинг барчаси диққат билан таълим-тарбия имкониятлари манбаларда яқунланган ва унинг қўлланилиши ихчам услублари диққат ҳисобини талаб қилади.

Сўзда ифодаланган бош манбалар: ёзув пайдо бўлмаган даврлардан ташқари, ёзувли бош манбалар тарихни билишда асосий ўрин эгаллайди. Ҳужжатларни таркиби бўйича бир қанча кўринишларга бўлиш мумкин.

Ҳуқуқий давлат ҳужжатлари (Конституция, қонунлар, фармонлар ва шунга ўхшашлар) давлатни қурилиши ҳақида, давлатнинг синфий характери ҳақида бой ахборотлардан ташкил топади.

Бошқа ҳужжатлар: ички сиёсий характердаги (партия, сиёсий нутқ) курашувчи синфларнинг мақсад ва ғояларини, сиёсий кураш восита ва формаларини очиб беради.

Ташки сиёсий характердаги ҳужжатлар (шартномалар, дипломатик ёзишмалар) халқаро мунособатлар ҳақида билим манбалари бўлиб хизмат қилади.

Хўжалик ҳужжатлари (харид ва савдо актлари ва шунга ўхшашлар) жамият ишлаб чиқариш кучларининг ва социал қурилишининг тараққиёти даражаси билан таништиради.

Илмий, фалсафий асарлар бу давр фан ва ғоя тараққити даражасини белгилайди.

Мифологик, диний характердаги материаллар ғоявий ва ижтимоий мунособатлар ҳақида бой ахуорот беради.

Бирон воқеа, ҳодиса ҳақида ёзилган асар (солнома, хронология ва ҳақозолар) ўрганилаётган давр бадиий адабий асарлар у ёки бу ҳодиса ҳақида, муаллифнинг бевосита таасуротларини акс этиради. Даврнинг умумий хусусиятини ва тарихий шахсларнинг ёрқин тавсифномасини

берувчи тарихий арбобларнинг ҳикматли сўзлари кўпинча тарихий воқеа ва ҳодисаларни ҳақиқий акс эттирди.

Топонимика жойлар, дарёлар, қўллар, шаҳарлар, қишлоқлар, кўчалар номланиши қабила ва халқлар ўрнашиши ва эмиграцияси, ишлаб чиқариш тарихи кабилар гувоҳлари ҳисобланади.

Объектлар ёзиб қолдирилган ҳужжатлар: фотография, киномотография, телевидениеларнинг ихтиро қилиниши ва тараққиёти янги кўринишдаги тарихий ҳужжатларни яратди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Фаннинг вазифаси – Ватаннинг ғуллаб яшашига ҳизмат қилиш. Т., 1994.
2. Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг ягона концепцияси. Т., 1996.
3. Илалов И.Н. Тарихий тадқиқот методлари ва методологияси. Тезисы лекций. Самарканд, Компьютерный вариант. 2009.

Саволлар:

1. Тарихий манбаларга нима қиради?
2. Ҳуқуқий давлат ҳужжатларни айтиб беринг?
3. Топонимика манбаларига нималар қиради?
4. Тарих фани қандай қилиб ёзилади?

**Мавзу: Тадқиқот ишларида замонавий педагогик технологиялардан
ва музей маълумотлардан фойдаланиш усули.**

Режа:

1. Педагогик технологияларнинг тутган урни ва аҳамияти.
2. Замонавий техника воситаларидан фойдаланиш усули.
3. Тадқиқот ишларида музей маълумотларининг аҳамияти.
4. Информацион технологияларнинг бугунги кундаги вазифалари.

Таянч иборалар: коммуникация шакли, компьютерлар асри, музей буюмлари, уларнинг тақиқот қилиш.

Бугунги кунда тарих фанларни ўқитишда коммуникация шакли ва мулоқот асосий ўрин татишлари билан биргаликда, педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида эътиборга молик бўлиб келмоқда. Бу нарса фақатгина магистрларни талабга жавоб берадиган қилиб тайёрлаш мақсадида эмас, балки илмий мулоқот нормалари, қонидаси ва усули билан ҳам белгиланмоқда. Биринчи навбатда, билимга бўлган интилиш, янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш реал ҳаётдаги амалиётда қўл келмоқда. Глобализация жараёнлари, дунёдаги сўнгги педагогик ҳамда информацион технологиялар бугунги кундаги кўпгина халқлар турмуш тарзи ҳамда маданий анъаналардан воқиф бўлишга ундамоқда. Тарихий тадқиқот методикаси ва методологиясини чуқур ўрганишда ОАВ хабарларидан, Интернет хабарларидан, замонавий информацион технологиялардан фойдаланиш усуллари бугунги давр талабидир.

Ўлкани ва унда мавжуд бўлган тарих ва маданият ёдғорликларини муҳофаза қилиш, ўрганиш ва улардан фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Тарихчиларга бу қонун муқаддас дастурамал бўлиб хизмат қилади. Биз ёшларни тарихий ёдғорликларни авайлаб сақлашга, тарихий обидаларга меҳр – мухаббат билан қарашга ўргатиб, бу ёдғорликлар фақат ўтмишни ўрганиш учунгина эмас, шу билан бирга илм – фанни, халқ маорифи ва маданиятини янада ривожлантириш учун ҳам бебаҳо дурдона эканлигини сингдириш руҳида тарбиялашимиз керак.

Тобора ривожланаётган жамиятнинг замонавий такомиллашув даврини информацион технологиялар белгилаб беради. Педагогик технология – бири-бирига боғлиқ илмий, технологик, техник тизимлар комплекси, инсонлар ҳамда ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқлик методлари ва булар билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий, маданий муаммоларни ўрганади. Педагогик технологиялар пухта тайёргарлик, харажат ва замонавий техникани талаб қилади. Мутахассисларни тайрлаш тизимида информацион технологияларни

тадбик қилиш информацион оқимларни шакллантириш билан бошланажаги муҳим.

Бугунги кунда педагогик технологиялар инсоният ҳаётига кенг ўрнашиб олди. Педагогик технологиялар кўғилочар восита сифатида ҳамда иш жараёнида янги имкониятлар очиб берди. Ҳозирда информацион технологиялар маданиятларо ҳамохангликни ифодалашда, ахборотларни қайта ишлаш, мавжуд ахборотлардан жамиятнинг барча бўғинларини бирдек хабардор этишда олд поғонани эгаллайди. Рақамли алоқа воситаси қамда компьютер техникасини уйғунлаштириш маданий муассасаларда янгича ёндашишни вужудга келтирди. Сўнгги ўн йилликда ҳамма соҳада информацион технологияларнинг шиддатли оқими кузатилмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмини «Компютерлар асри» дейишимиз мумкин.¹ Компютерлар тарих, танрихшунослик, музейшунослик, фалсафа, иқтисодий ва бошқа илмий соҳаларда муҳим ўринларни эгалламоқда. Сабаби нимада? Қўл йиллар бўйича тадқиқотлар тамонидан йиғилган ва музейда сақланаётган барча материаллар музейнинг илмий базасини ташкил этади ва музейлар фаолиятида асос бўлиб хизмат қилади. Мана шу манбалар асосида жаҳон музейлари илмий тадқиқот ва илмий маданий, маърифий, таълим – тарбия ишларини олиб бормоқдалар.

Бугунги кунда музейларнинг илмий концепцияларни ишлаб чиқариш – музей экспозицияларини лойиҳалаштиришнинг асосий қисмига айланди, сўнгги йилларда деярли қеч бир илмий тадқиқот компьютер технологияларисиз амалга оширилмаяптию компьютер ўйин воситасидан тобора илмий қуролга айланиб бормоқда. Минтақамизда 90-йиллар охиридан бошлаб кўпгина тармоқлар бўйлаб информацион технологиялар оқими кузатилади, илмий тадқиқот ишларида бугунги кунда ўз фаолиятини информацион технологиялар тизимидан илғор тарзда фойдаланиши муҳимдир.²

Халқимизнинг минг йиллик тарихга эга, мозийдан акс-садо берувчи музейларимизни дунё эътиборига ҳавола этиш, ушбу музейларда мавжуд маънавий-маърифий тадбирлардан оммани воқиф этиш, ахборотларни қайта ашлашда информацион технологиялар етакчи роль уйнайди. Замонавий информацион технологиялар музей ишини бирмунча енгиллаштиради, уни янада ранг-барангликка етаклайди, шу билан бирга маданий меросларни сақлашга хизмат қилади.

Дунё бўйлаб халқаро, миллий музейлар ҳамда ташкилотлар, музей уюшмаларидаги тадқиқотчилар гуруҳи олиб бораётган илмий ва амалий тадқиқотлар музей фаолиятидаги турли аспектларни такомиллаштиришга йўнатилган.

Илмий тадқиқот ишларида фанни ўрганишда музейлар ёшлар олига кўйидаги вазифаларни бажаради: жамият ҳаёти ва халқ турмушидаги энг муҳим тарихий воқеаларни, давлат ва ҳарбий арбобларнинг, халқ қахрамонларининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган бинолар,

¹ Тоффлер Э. Шок будущего. – М., 2004. – С. 423-424.

² Еременко Е.Д. Аудиовизуальная коммуникация в музейной сфере. Диссертация на соискание учёной степени кандидата культурологии. СПб., 2000, 205 с.

иншоотлар, эсталик жойларни ўз ўлкасига боғлаб ўрганишни; иккинчидан, археология ёдғорликлари бўлган кўҳна шаҳарлар, қўрғонлар, қалъалар, қадимий манзилгоҳ, истехкомлар, корхоналар, каналлар, йўлларнинг қолдиқлари, қадимий мазорларни, тош хайкаллар, қоядаги тасвирларни, қадимий буюмларни ўз жойига боғлаб ўрганишни; учинчидан, меъморчилик обидалари, тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кўчалар, шаҳар ва бошқа аҳоли яшайдиган манзилгоҳларнинг қадимий тузилиши, қурилиши ва қолдиқларини; фуқаро, саноат, ҳарбий, диний халқ меъморчилиги иншоотларини, табиат ландшафтларини ўз ҳудудига мослаб ўрганишни; тўртинчидан, санъат ёдғорликлари – монументал, тасвирий, Амалий – декоратив ва бошқа турдаги санъат асарларини; бешинчидан; ёдғорлик ҳужжатлари – давлат ҳокимият органлари ва давлат бошқарув органларининг актлари, бошқа ёзма ва график ҳужжатлар, кино – фото ҳужжатлар ва товуш ёзувлари, шунингдек, қадимий ва бошқа қўлёзмалар ҳамда архивлар, фольклор ва музика ёзувлари ва у каби нодир материалларни излаб топиш, ўрганиш ва умумлаштириш вазифаларини қўяди.¹

Ҳозиргача фан тўпланган маълумотларга асосланиб музей ошиёлари бу реал ажратиб олинган, музей аҳамиятига эга бўлган, музей тўпламига киритилган ва узоқ вақт сақланиши мумкин бўлган предметдир. У ижтимоий ёки табиий-илмий ахборотларни ташувчи – билимлар ва руҳий кечинмаларнинг асл манбаи, маданий – тарихий бойлик – миллий мулкнинг бир бўлаги ҳисобланади. Замонавий музей-турли жарёнларни, табиат ва жамият ҳодисаларини ҳужжатлаштиради, музей предметларининг коллекциясини тўлдиради, сақлайди, ўрганади, шунингдек, улардан илмий маърифий-тарбиявий ва ташвиқотчилик мақсадларида фойдаланилади.

Тадқиқот ишларида қўлланиладиган усуллар:

- Музей предметларини тадқиқ қилишда, музей коммуникациясини амалга оширишда ижтимоий ва табиий фанларнинг ҳар хил услублари қўлланилади. Жумладан, маҳсус ва ўрдамчи тарих фанларининг, санъатшунослик ва адабиётшуносликнинг услублари кенг қўлланилади. Музей экспозициясини ва кўргазмасини тайёрлашда, музейга келувчиларни ўрганишда ва турли формадаги таълим – тарбиявий фаолиятини амалга оширишда педагогика ва психология услубларидан ҳам фойдаланилади. Музей предметларини реставрация ва консервация қилишда табиий фанларнинг услублари – рентгенография, спектография ва бошқа услубларда ҳам қўлланилади.

- Кўплаб табиий ва ижтимоий фанларда мавжуд бўлган дала тадқиқотлари услубидан фойдаланилади. Бу услуб мавжуд бўлган ва амал қилинаётган тизимларни ўрганишда қўлланилади.

- Жамият ҳаётини бевосита кузатиб бориш услубидир.

- Экспозиция соҳасидаги тадқиқот, уни ўзлаштириш, консервацияга оид иш, музей предметларини реставрация қилиш экспериментал услубни қўллашни талаб қилади.

¹ Джуракулов М.Д. Результаты исследований археологической экспедиции СамГУ им. А. Навои, 1979 г. – Вопросы археологии, древней истории и этнографии. Самарканд, 1980.

Бу услубларнинг барчаси музейшуносликда ўрганиш предметининг хусусиятига қараб бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиб туради. Музейшуносликда қўлланиладиган илмий услублар ҳозирча анна шулардан иборат. Албатта фаннинг ривожланиши билан у қўлланиладиган услублар ҳам кўпая бораверади.²

Музейга ташриф буюрувчилар кўпроқ илмий маълумотлар олишлари учун тарихий материалларни етказиб беришнинг янгича кўринишлари ишлаб чиқилмоқда. Музейларда сақланувчи бутун комплексли ахборотлардан иборат информацион тизимни яратиш экспозицияларни бойитиш билан бирга уларни ранг-баранг қилади. Музей тадқиқ ва янги билимларни етказиш даврида қамда тадрижий тарзда ўтган давр маърифатининг информацион марказидир.¹ Жамият қаётида музейларда илмий информацион технологиялар тадбиқ қилиш каби қодисалар замонавий мултимедиа технологиялар орқали янги экспозицион тизимлари вужудга келтиради. Биринчи навбатда 90-йиллар охирида вужудга келган Интернет тармоғи орқали. Дун музейларини ягона тармоққа уланишига хизмат қилувчи глобал тармоқни вужудга келтирса, иккинчидан, музейлар ўз саҳифа ва веб-сайтларига ҳам эга бўлишлари мумкин.

Бугунги кунда ушбу музейлар фаолият доирасини кенгайтириш, музейга ташриф буюрувчилар сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Ушбунинг билан олиб, информацион технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланган қолда, СамДУ музейларини ягона компьютер тармоғига уланишини таъминлаш, музейларнинг веб-саҳифаларини яратишни йўлга қўйиш лозим. Бу, бир томонидан, музейга реал қамда виртуал ташриф буюрувчига кўпроқ маълумотлар етказиб беришни таъминласа, иккинчи томондан музейларда мавжуд ахборотларни қайта ишлаш, янгилан туришга хизмат қилади. Музейлар ўз веб-саҳифалари орқали дунёнинг кўзга кўринган музейлари билан ахборот алмашиб туриш қуқуқига эга бўлишади. Бу каби қолатни М.А. Врубел номидаги Омск Тасвирий Санъат музейи мисолида кўришимиз мумкин. Қуйида мазкур музейда амалга оширилган ишлар қуйидагилардан иборат:

- Асл музей ашёларининг нусхалари (скан қилиш, рақамли фото ва видео суръатлар) ни орқали музейда мавжуд маданий бойликлар қийматини йўқотмасликка эришилмоқда;

- Замонавий информацион технологияларни қўллаган қолда виртуал кўргазмалар ташкил қилинмоқда;

- Асл музей ашёлари қийматини йўқотмаслик мақсадида нусха олинган музей ашлари тадқиқотчиларга тақдим қилинмоқда;

- Музейда: тематик коллекция қамда кўргазма каталоглари, полиграфия ишлари қамда буклет, афиша, тақвимлар чиқариш, электрон каталог ва конференция материалларининг электрон тўпламларини чоп қилиш каби наشريётчилик ишлари йўлга қўйилган;

² Иноземцев В.Л. «Класс интеллектуалов» в постиндустриальном обществе// Социос, 2000, №6. С. 74.

¹ Скрипкина Л.И. Историко-краеведческий музей как коммуникационная система XXI века// Музейная коммуникация: Материалы научно-практической конференции, состоявшейся в г. Самаре 24-28 сентября 2001 г.// ГЦМСИР. –М., 2002, с. 75.

- Видео-экскурция, тематик видеофилмлар, аудиогидлар ишга туширилган. Ҳозирда мултимедиа синфи ишга туширилиши кутилмоқда;
- Музей ашёларининг таъмирлашгача камда таъмирлангандан сўнг қолати макросъёмка қилинади;
- Музей сайти, электрон почта хизмат қилмоқда, электрон визиткалар йўлга қўйилган, музей биносида баннерлар осилган, транспорт воситаларида аудио-рекламалар ташкиллаштирилган, ОАВ билан доимий алоқа йўлга қўйилган;
- Экспозицион залларида видеокузатишлар ўрнатилган.

Бундан ташқари, замонавий информацион технологиялар ёрдамида музей бўлимлари ягона компьютер тармоғига уланган.¹

Кейинги вақтларда музейга махсус илмий-тадқиқот институти сифатида қаралмоқда.

Тарих музейлари музейшуносликнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳозирги ва келгусидаги ривожланиши, ўзаро боғлиқлиги ҳолисона ёритилиши керак.

Олимлар, хусусан, музейшунос олимлар ўтмишдан аجدодлардан қолган бой илмий-маданий меросни тарихийлик, ҳолислик, таққослаш, танқидий ва бошқа услублар асосида ўрганадилар. Уларнинг илмий изланишлари тарихни аниқ ва хатоларсиз жонлантиришга хизмат қилишлари керак.

Адабиётлар:

1. Джуракулов М.Д. Результаты исследований археологической экспедиции СамГУ им. А. Навои, 1979 г. – Вопросы археологии, древней истории и этнографии. Самарқанд, 1980.
2. Еременко Е.Д. Аудиовизуальная коммуникация в музейной сфере. Диссертация на соискание учёной степени кандидата культурологии. СПб., 2000, 205 с.
3. Илалов И.Н. Музееведение. Учебное пособие для вузов Республики Узбекистан. Ташкент, 2006.
4. Иноземцев В.Л. «Класс интеллектуалов» в постиндустриальном обществе// Социос, 2000, №6. С. 74.
5. Ноль Л.Я. Программа курса «Информационные технологии в музейной деятельности», программа курса для специальности 021000 – Музеология. М., Российский государственный гуманитарный университет. 2000, С.16.
6. Ноль Л.Я. Учебная программа курса «Компьютерные технологии в музее». М., Институт подготовки работников культуры, искусства и туризма Министерства культуры Российской федерации, 1998, с.11.
7. Скрипкина Л.И. Историко-краеведческий музей как коммуникационная система XXI века// Музейная коммуникация:

¹ Ноль Л.Я. Программа курса «Информационные технологии в музейной деятельности», программа курса для специальности 021000 – Музеология. М., Российский государственный гуманитарный университет. 2000, С.16.

Материалы научно-практической конференции, состоявшейся в г. Самаре 24-28 сентября 2001 г.// ГЦМСИР. –М., 2002, с. 75.

8. Тоффлер Э. Шок будущего. – М., 2004. – С. 423-424.

Саволлар:

1. Педагогик технологияларга нималар киради?
2. Замонавий иехника воситаларининг аҳамияти?
3. Информацион технологияларнинг бугунги кундаги аҳамияти?

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шарлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент, 1997.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1999.
3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи концепцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик, тақдид, тараққиёт шартлари кафолатлари. Тошкент, 1997.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1992.
6. Каримов И.А. Фан мамлакат тараққиётига хизмат қилиши керак. Тошкент, 1994.
7. Каримов И.А. Фаннинг вазифаси – Ватаннинг гуллаб яшашига хизмат қилиш. Т., 1994.
8. Барқамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.
9. Джуракулов М.Д. Результаты исследований археологической экспедиции СамГУ им. А. Навои, 1979 г. – Вопросы археологии, древней истории и этнографии. Самарқанд, 1980.
10. Еременко Е.Д. Аудиовизуальная коммуникация в музейной сфере. Диссертация на соискание учёной степени кандидата культурологии. СПб., 2000, 205 с.
11. Илалов И.Н. Музееведение. Учебное пособие для вузов Республики Узбекистан. Ташкент, 2006.
12. Илалов И.Н. Тарихий тадқиқот методлари ва методологияси. Маърузалар матни. Самарқанд. 2009.

- 13.Илалов И.Н. Тарихни ўқитиш методикаси ва методологияси. Самарқанд. Компьютер тирими. 2009.
- 14.Иноземцев В.Л. «Класс интеллектуалов» в постиндустриальном обществе// Социос, 2000, №6. С. 74.
- 15.Ноль Л.Я. Программа курса «Информационные технологии в музейной деятельности», программа курса для специальности 021000 – Музеология. М., Российский государственный гуманитарный университет. 2000, С.16.
- 16.Ноль Л.Я. Учебная программа курса «Компьютерные технологии в музее». М., Институт предподготовки работников культуры, искусства и туризма Министерства культуры Российской Федерации, 1998, с.11.
- 17.Скрипкина Л.И. Историко-краеведческий музей как коммуникационная система XXI века// Музейная коммуникация: Материалы научно-практической конференции, состоявшейся в г. Самаре 24-28 сентября 2001 г.// ГЦМСИР. –М., 2002, с. 75.
- 18.Съядиев А. Тарихий - ўқитиш методикаси. Т., 1992.
- 19.Тоффлер Э. Шок будущего. – М., 2004. – С. 423-424.
- 20.Тошпулатов Т., Гаффоров А. Тарих ўқитиш методикаси. Тошкент, 1999.
- 21.Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 50 йиллиги. Т., 1993.
- 22.Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг ягона концепцияси. Т., 1996.